

63.2  
Ф20




Турғун Файзиев

Мирзо Улугбек  
авлодлари

Турғун Файзиев

# МИРЗО УЛУҒБЕК АВЛОДЛАРИ



Тошкент  
«ЕЗУВЧИ» науриёти

Ушбу рисола буюк аллома Улугбек  
Мирзо Курагон таваллудининг 600 йил-  
лигига бағишиланиди.

Ф 20

«Хазина» ижодий-илемий ишлаб чиқарни бирлашмаси

Файзиев, Тургун. Мирзо Улугбек авлодлари. — Т., «Езувчи» нашрнёти, 1994.

Шарқининг буюк донишманд олими Мирзо Улугбекининг авлодлари ҳақидаги маълумотлар баён этилган ушбу рисола барча китобхонларда қизиқиши ўйғотиши турган гаш.

Рисола, азиз китобхон, буюк бобокалонимиз тўйлари арафасида Сиага армугон бўлсин.

63.2(2У)

Ф 47020120200—09  
М 362 (04)—94—1994

ISBN 5-8255-0035-9

© Тургун Файзиев, 1994 йил.

Темурхон наслидин султон Улугбек  
Ки олам курмади султон аниңдек.

Алишер Навоий

## АМИР ТЕМУРНИНГ ҮЛИМИ

Соҳибқирон Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг тўнгич ўғли — Улугбек Мирзо 1394 йил 22 март (ҳижрий 796 йил 19 жумодул аввал ойининг 19-якшашаба) куни Ироқи Ажамининг Султония шаҳрида дунёга келди. Унинг онаси малика Гавҳаршод бегим Амир Темурнинг сөвимли келинларидаи бўлган.

Яиги меҳмоннинг дунёга келиши соҳибқирон Амир Темурнинг «беш йиллик» юриш пайтига тўғри келган эди. Бинобарин, Амир Темур шу пайтда сафарда бўлиб, салтанат сарҳадларини кепгайтиromoқда эди. Соҳибқирон ҳарамига мансуб бўлган маликалар ва ёш болалар лашкарининг ўргуки (урдугоҳи)да Сарой Мулк хоним (Бибикхоним) бошчилигида Султонияда истиқомат қиласар эдилар. Амир Темур эса Ироқпинги шимолидаги Мордии шаҳарини ингол қилиш учун жанг олиб борарди. Соҳибқирон саройининг ўз расмлари ва тартиблари бор эди. Қайсп бир малика ҳомиладор бўлса, кўз ёриш муддатни яқинлашгач, унинг қаерда яшётгалидан қатъи назар, Темур саройига ёхуд урдугоҳига олиб келинار ва фарзанди шу ерда туғиларди. Бола туғилгач, дарҳол уни бошига бир малика тарбиясига тоширишар ва энагалар тайиплашарди. Боланинг онаси эса маълум муддатдан сўнг ўз жойига жўнатиб юбориларди. Бундан кўзланган максад ҳар бир шаҳзода чақалоқлигидан бошлаб, бегона она тарбиясида — эрка ва таитиқ бўлиб эмас, аксинча чидамли, бир сўзли, қатъиятли ва жасур бўлиб вояга стишни лозим эди. Шу боис бўлса керак, Шоҳруҳ Мирзонинг ёш хотини малика Гавҳаршод бегим ҳам қайпотаси Темур ўрдугоҳида эди.

Гавҳаршод бегим чиғатой ампрларидаи Фиёсиддин тархонининг қизи эди. Фиёсиддин тархопиниг Гавҳаршод бегимдан ташқари яна икки қизи бўлиб, улар 1392 йилда Умар Шайх Мирзо баҳодирнинг ўғилларига турмушга

чиққан әдилар. Шоҳрух Мирзо 1388 йилда, яъни 11 ёллигида Гавҳаршодга уйланган әди. Шоҳрух Мирзонинг Гавҳаршоддан бошқа яна Тўти Ого исмли хотини ҳам бўлган. Улугбек таваллудининг олтинчи ойи, яъни 1394 йил 28 августда. Тўти Ого ҳам Шоҳрух Мирзога бир үғил ҳада қиласиди. Исмини Иброҳим Султон Мирзо деб атайдилар. Бу шаҳзода кейинчалик Форс үлкасининг султони бўлган.

Улуғбек туғилгач, Шоҳрух Мирзонинг фарзанд кўргани ҳақидаги хушхабарни Амир Темурга етказип учун чопар юборадилар. Шарафуддин Али Яздийпинг ёзишига қараганда, бу хабар Соҳибқироннинг Мордин шаҳарини забт этган пайтига тўғри келган. Амир Темур мазкур хушхабардан бағоят хушнуд бўлиб, янги меҳмон пойи қадамини шарафлаб, шаҳар халқига омонлик бериб, хирожидан воз кечган ва шаҳарнинг ҳокимлик мансабини собиқ ҳоким, амир Султон Исонинг укаси амир Султон Солиҳга инъом қилиб, ўзи орқага қайтган.

Янги меҳмонга Муҳаммад Тарагай деб ном берадилар. Маълумки, бу ном Темурнинг марҳум отасининг номи бўлиб, ҳали Темурий шаҳзодалардан ҳеч бирига берилмаган әди. Лекин кўп ўтмай чақалоқнинг ҳақиқий исми тилдан тушиб, унинг ўрнига Улуғбек деб атала бошлигаран. Бунинг сабаби нимада? Бу ҳақда манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Фикримизча, Темур ҳузурпда ёш болани Муҳаммад Тарагай деб чақиришга истиҳола қилишган, чунки Тарагай — бобосининг оти, шарқ халқлари удумида эса каттани улуғлаш одат бўлган. Ҳарҳолда, Темурни «бек» деб, отаси — Муҳаммад Тарагай баҳодирни ҳурмат юзасидан «катта бек», яъни «улуг бек» деб аташган. «Улуг бек» номи берилган болани мазкур рамзий исм билан, яъниbekларнинг улуғи деб атаниган бўлсалар ажаб әмас. Шундай қилиб, Муҳаммад Тарагай Улуғбекка мубаддал бўлиб, авадийлашиб кетган бўлиши керак.

1396 йилда «беш йиллик юриш»дан голибона қайтатётган Темурни барча маликалар, шаҳзодалар ва аркони давлат Ғузорда тантана билан кутиб оладилар. Табиийки, бобосининг истиқболига Сарой Мулҳоним билан бирга Улуғбек ҳам чиққан. Бундан ташқари, Темурнинг «етти йиллик юриш» (1398—1404) даврида ҳам Улуғбек Сарой Мулҳоним билан киш фаслларини ўрдugoҳда—Қорабогда ўтказган.

Давлатшоҳ Самарқандий Улуғбекнинг зеҳни ва хотирасининг ўтиклиги ҳақида қуйидаги ҳикояни келтиради.

Амир Темур 1398 йилда бең ёшли наобраси Улугбекка сарой қиссаҳонининг жияни Шайх Ориф Озарийни мурраббий қилиб тайинлади. У Улугбек билан қарийб тўрт йил бирга бўлиб, билган-уққаинларидан сабоқ беради. Улугбек ўзининг биринчи устозини ниҳоятда эъзозлар ҳамда унинг шакл-шамойили ва хатти-ҳаракатини доим ёдда тутарди. Шайх Ориф Озарий саройдан кетгач, машҳур олим бўлиб донг таратади ва орадан қарийб қирқ беш йил ўтгач, 1447 йили дарвени кийимида юриб, Исфаройин шаҳрида Улугбекка рӯбару келади. Бу вақтда Шайх Ориф Озарийнинг саройдан кетганига 46 йил бўлған, яъни 9 ёшли Улугбек эди 55 ёшига кирган эди. Шунга қарамасдан Улугбек ўз устозини бир қарашдаёқ танийди ва уни тўхтатиб узоқ сұхбатлашади.

Улугбек Мирзо ёшлигиданоқ бобоси Амир Темур саройида тарбияланиб, саройга йигилган олиму фузалолар таъсирида илм-фанга қизиқади. Ҷарвоқе, Ҳофизи Абрўнинг ёзишича, Амир Темурниг ўзи ҳам тарихга жуда қизиқдан ва кўпгина тарихий асарлардан воқиф бўлган. Шунингдек, Абдураззоқ Самарқандийниг ёзишича, Амир Темурниг тиббиёт ва фалакиёт илмларидан ҳам бир қадар хабари бўлган.

1404 йил август ойида Амир Темур ўзининг машҳур етти йиллик юришидан музafferона Самарқандга қайтиб келади ва ўзининг галабаси шарафига багишлаб Самарқанд четидаги «Боги дилкушо» боғида катта аижуман ўтказади. Бу аижуман тўйга уланиб, қирқ кун давом этади. Тўй якунида Умар Шайх Мирзонинг икки ўғли — 15 ёшли Сайид Аҳмад ва 12 ёшли Бойқаро Мирзони, Мирониоҳ Мирzonинг 17 ёшли — Ийжал Мирзо исмли ўглини ҳамда Шоҳруҳ Мирzonинг икки ўғли — 11 ёшли Улугбек Мирзо ва Иброҳим Султон Мирзоларни уйлантирадилар. Улугбек Мирзога марҳум Муҳаммад Султон Мирzonинг қизи — Ўги Бегини унаштирадилар.

Амир Темур кўн йиллардан бўён Хитойга ҳарбий юриш қилиши ниятида эди. У етти йиллик юришидан қайтиб келгач, мазкур мақсадни амалга ошириш учун махфий река тузиб, сафар тараддудини кўра боплайди. Темур юришига отланаркан, набираси Улугбек Мирзога Тошкент, Сайрам, Авлиё Ота, Ашпарадан то Хитой чегарасигача бўлган ерларни, Иброҳим Султон Мирзога эса Фарғона, Кошгар ва Хўтанин инъом қилади. Лекин бу вилоятларниг айримларида, жумладан Мўгулистон ва Кошгарда ҳукмрон бўлиб турган мўгулbekлари осонликча бўйсунмасликларини Темур яхши тушунар, шу бенс

мазкур вилоятларни булажак ҳарбий юриш асносида на-  
биралари қўлига олиб беришни режалаштирган эди. Шу-  
нинг учун бу ҳарбий юришда ҳар иккала пабираси —  
Улугбек Мирзо ва Иброҳим Султон Мирзоларни ўзи би-  
лан бирга олиб кетишга қарор қиласди.

Амир Темур ўзининг эиг сўнгги юриши — Хитойга қар-  
ши машҳур ҳарбий ҳаракатга тараддулланиб, 1404 йил  
27 ноябрда (2-жумод ул-аввал) Самарқанддан чиқиб,  
Ўтрор томон ўйл олади. У Оқсулот мавзеяни келиб, 28  
кун туради. Темур ўз беклари ва амирларидан кўпчили-  
гини қишлиш учун Шоҳрухия, Тошкент ва Сайрамга жў-  
натган эди. Ҳукмдорнинг қароргоҳида фақат амир Шайх  
Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир хўжа Юсуфларгина  
қолган эдилар. Шунингдек, катта қўшишинг ўнг қаноти  
ҳали Тошкент, Шоҳрухия ва Сайрамда қишиламоқда эди.  
Мазкур ҳарбий бўлинмага Темурнинг набираларидан Ха-  
лил Султон Мирзо (Мироншоҳ Мирзонинг ўғли) ва Аҳ-  
мад Мирзо (Умар Шайх Мирзо баҳодирнинг ўғли) бош-  
чилик қиласди. Қўшининг чап қаноти (жуонгир)  
Туркистон ва Саброн шаҳарларида қишиламоқда эди. Бу  
қўшишинг Темурнинг катта қизи Ўги (Ога) Беги хонимдан  
тугилган набираси Султон Ҳусайн Мирзо ибн Муҳаммад-  
бек бошчилик қиласди. Темур раҳбарлигидаги марказий  
қўшиши эса Оқсулотда турганди.

1404 йил 25 декабрда (21 жумод-ул-охир 807-йил)  
Амир Темур Оқсулотдан чиқиб, 1405 йил 14 январь (12  
ражаб 807 йил) чорсанба куни Ўтрорга келиб тўхтайди.  
Амир Темур Ўтрорда 35 кун туради ва шу муддат ичидা  
қандайдир сабабга кўра, февраль (4-шаъбон пайшанба  
куни) бундан буён нард ва шахмат ўйнамасликка онт  
ичади.

1404—1405 йилнинг қиши ўта совуқ келиб, Амударё  
ва Сирдарё кечувлари қалин муз билан қопланади. Гар-  
чи Темур қариб қолган бўлса-да, йўл машақатларию  
совуқни писанд қилмас, руҳан тетик ва жисмонан бар-  
дам кўринарди. Шарафуддин Али Яздийнинг маълумоти-  
га кура, Темур Ўтрорда Олтин Ўрданинг собиқ хони  
Тўхтамишинг элчисини қабул қиласди ва унга Хитой  
юришидан қайтиб келгач, Олтин Ўрдага қарши юриш қи-  
либ, таҳтни Тўхтамишхонга қайтариб олиб беришни ваъ-  
да қиласди. Аммо кўп ўтмай, Темурнинг миқозида ка-  
саллик хуружга келиб, аҳволи кундан-кунга оғирлашади.  
Табиби хозиқ мавлоно Фазлуллоҳ Табризий бошчилигига  
бир неча табиблар ҳукмдорга хилма-хил муолажалар қи-  
лардилар. Аммо хасталик кундан-кунга кучайиб борар-

ди. Амир Темурнинг касалланиши сабаби ҳақида «Темурнома» муаллифининг берган маълумоти диққатга сазовордир. «Соҳибқирион Амир Темурнинг ҳузурларига чопар келиб, қалмоқлар бош кўтарибдилар», деб хабар келтириди. «Ҳамма жангга отлансин», деб буюрдилар. Беклар ва амирлар ҳаво совуқлиги туфайли йўлга чиқмасликни маслаҳат кўрдилар. Ул вақт қишини тўқсони эди. Амир гайратларига чидолмай ўрдадан ташқарига чиқдилар. Вақтиким шаъбон ойининг еттиси сешаиба куни ўрданинг равоқида сартарошга соchlарини олдириб ўлтириб эрдилар, ушал замон амирга боди мухолиф (ёқимсиз шамол) келиб тегди. Аҳволлари ўзларига маълум бўлиб, соат ўтмай ранг ва туслари тагийр топди». Машҳур шарқшунос олим, академик В. Бартольд «ҳарҳолда Темурнинг касали ва улимига бевосита сабаб, совуққа қарши баданини бир оз иситиш мақсадида меъёридан ортиқ май тановул қилганидир», деган Фикрни билдиради. Ҳолбуки, тарихий манбаларга қаратанда, Темур майхўрликни уччалик хуш кўрмаган ва майга ружу қилганларни эса, ким булишидан қатъи назар, мансабидан азл қилиб қоралаган. Фикримизча, Темур майни фақат шифобахш дори сифатида қабул қилган. Зеро шарқ табиблари, шунингдек Ибн Сино ҳам бир неча тур шаробларни муолажа учун қўллатандар. Амир Темурнинг касалланиши жараёни анча илгаридан давом этиб келган булиши эҳтимол. 1404 йил қузида Темур етти йиллик юришдан қайтгач, «Боги дилкушо»да катта анжуман ва тўй тантасаларини ўтказди. Ушибу анжуманда иштирок этиш шарафига мусассар бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишига қаратанда, Темурнинг чехрасида анча ҳоргинлик аломатдари кўринниб турган. Зотан етти йиллик юришдан қайтган ҳукмдер ақалли беш-олти ой ҳам дам олмай, яна янги юриш тараддудига тушиб, Хитой сари йўл олади. Узлуксиз йўл машақватлари қартайгани ҳукмдорга ўз таъсирини ўтказгаш ва ниҳоят, «Темурнома» муаллифининг маълумотига амал қилинса, бошни шамоллатиш натижасида касаллик ботиндан юзага чиққан. «Зафарнома» муаллифи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, ҳар куни касалликнинг янги-янги аломатлари зоҳир бўла бошлигаган.

Ривоятга кура, бемор Темурнинг ёнида факат Сарой Мулк хонимгина туришга ҳақли эди. Ҳукмдорнинг қўзғалишга мадори етмас, бинобарин Сарой Мулк хоним унинг аҳволидан кечаю кундуз хабар олиб турарди. Тунларнинг бирида толиққан Сарой Мулк хонимга уйқу галаба қилиб, пинакка кетадиу, шу заҳоти сесканиб уйгонади. Та-

бийики, хоним уйғонган ҳамоно ҳукмдор ётган томонга күз ташлайди. Аммо қайси күз билан күрсінки, тұшакда ҳеч ким йүқ әди. Сарой Мулк хоним саңчиб үрнидан туриб, таніқаридаги посбондан ҳукмдорни сұрайди. Посбон таъзим ила қоронғулик томонға ишора қилади. Сарой Мулк хоним үша томон елиб бораркан, кичикроқ тепалик устида турған қора бир гавдани күради. Бу жақонгир Темур әди. У елкасида чопон, чуқур хаёлга чүмган ҳолда қоронғуликка тикилиб турарди. Сарой Мулк хоним ҳаяжонда «Бу қандай гаш, улуғ амир! Қаҳратон қиши, изғирилли тунда касал ҳолингиз билан бу ерда туришингизда не ҳикмат бор»,— деб, амирни үрдугоҳ томон бошлайди. Темур үрдугоҳға келиб ётгач, Сарой Мулк хоним бу ғайритабиій ақвөл сирини яна сұрайди. Амир Темур хұрсиянаның, оғындың тортгач, шу кече күрган түшини сұзлады. «Хар иккі чеккаси баланд қамишлар билан үралған катта йўлда отимни елдириб кетаётган әдим, тұсатдан йўл четидаги қамишзор шитирлаб қолди, мен үша томонға қарадим. Қарадиму ҳайратдан жиловни тортиб тұхтадим. Қамишзордан падари бузрукворимиз шитоб ила чиқиб келар әдилар. Мен ҳайрат ичіда отдан түшуб, отамниң истиқболиға юрабошладым. Аммо падари бузруквор менга илтифот құлмай, олдимдан үтиб бориб отимниң әгар-жабдуқларини ечиб олдилар ва келган йўлларига қайтиб, тұқайда гойиб бўлдилар. Мен катта йўл устида гарангсиб, салт от ёнида турғаним ҳолда уйғониб кетдим. Құрсам, аъзойи баданим титраб, қизиб кетаётирман. Бу хосиятсиз туш даҳшатидан ташқарига чиққанымни ҳам сезмай қолибман... Паймона тұлғонга үхшайдур...

— Яхши ният қилинг, амирим, дард бошқа, ажал бошқа, шукур, саломатлигингиз тузук,— дея тасалли беради күзлари нам Сарой Мулк хоним.

— Йиғидан не фойда, хоним? Тақдирни табдил қилиб бўлмайдур... Шукур, тоң ҳам ёриша бошлади. Посбопга буюринг, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир хўжа Юсуфлар әрталаб ҳузуримга кирсенилар.

Амир ва беклар сохибири он қароргоҳига кирганларида, у тұшакда баҳол ётарди. Сарой Мулк хоним ҳукмдорга яқнилашиб, амирлар ташрифи ҳақида секингина шивирлагач, у нурсиз кўзларини оҳиста очиб, яқнироқ келиб ўтиришларига ижозат берди. Амирлар қисқагина холаҳвөл сұрашишгач, ҳукмдорнинг оёқ томонида — пойгахдан жой олиб, бутун вужудлари қулоққа айланған ҳолда ерга қараб үлтирадилар. Ҳукмдор оҳиста кўзини очиб, амир ва бекларга бир-бир разм соглаш, сұз бошлайди:

— Маълумингиз бўлгайким, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валинаҳд этиб тайинлайдурмен, токи Самарқанд таҳти ва аркои давлат анинг ҳукми фармонида бўлғай. Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, қўшиннинг салоҳияти ва мукаммаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тиҷчилиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб кўмаклашмогингиз лозим. Чунончи, сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўриниб турсин, токи ўзаро низоларга ўрин қолмагай. Билъакс низо вужудга келиб, раият бошида ташвиш ва надоматлар ортиб, мамлакат ободонлиги барҳам топгай. Инчунин, менинг кўп йиллик саъӣ-ҳаракатларим зоъега кетгай... — Амир Темур ҳолсизланиб кўзини юмади. Бу унинг сўнгги васияти эди.

Амирлар, беклар, юрт катталари ҳамда шу ерда ҳозир бўлган шаҳзодалар, маликалар ҳукмдорнинг васиятини мукаммал бажаринига қасамёд қилишгач, амир Шайх Нуриддин охиста сўз бошлийди:

— Агар амри олий вужудга келса, Тошканд, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсан, токи фарзанди дилбандларингиз-шаҳзодалар зудлик билан етиб келиб, жаноби олийларининг ҳусни таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфийон насиҳатларингизни ихлос қулоги билан тинглаб, итоат камарин белларига бояласалар, фойдадан холи бўлмас эрди.

Амир Темур аста кўзини очиб, амирларга мунигли назар соларкан, аввал кўрсаткич бармоғини, кейин ўрта бармоғини қўшиб кўрсатади-да, қўлини тушириб, кўзини юмиб олади. Амирлар ҳукмдорнинг имо-ишорасига тушуномлай, саросимага тушиб, ҳаммалари Сарой Мулк хонимга савол назари билан қарайдилар. Шу аснода ҳукмдор яна кўзини очиб, амирларга қараб:

— Вақт таңг, бирёки икки кунлик умр қолди. Афсус, уларни куриш насиб бўлмади. Энди дийдор куришмак қиёматга қолди,— деб кўзини юмади.

Дарҳақиқат, эртаси 18 февраль 1405 йил (17 шаърон 807 йил) чоршанба куни шом билан хуфтои намози ўртасида жаҳонни ларзага келтирган машҳур саркарда ва буюк ҳукмдор соҳибқирон Амир Темур курагон ҳётдан абадий кўз юмади.

Темурнинг ўлими ҳаммадан сир тутилиб, мурда тунда маҳсус безатилган аравада амир хўжа Юсуф бошлили-

года Самарқандга жұнатылады. Темурнинг жасади солин-  
ган аравада Сарой Мулк хоним билан 11 ёшли иккى шаҳ-  
зода — Улугбек Мирзо ва Иброҳим Султон Мирзо ҳам  
бирга әдилар. Шундаң сүңг амир ва беклар ҳарбий кен-  
гаш үтказиб, узоқ-яқиндаги барча шаҳзодаларға хабар  
юборыша, салтанат душманлари оёққа туриб, гавго ва  
фасод йўлига кириб, исён кўттармасликлари учун соҳиб-  
қироннинг вафотини вақтинича сир тутишга қарор қила-  
дилар.

Бинобарин, Тошкент ва Сайрамда турган Халил Сул-  
тон Мирзога бўлган воқеа муфассал баён қилиниб, хабар  
юборилади. Щунишдек, Туркистон ва Сабронда турган  
Султон Ҳусайн Мирзога ҳам хабар жұнатылади. Шара-  
фуддин Али Яэдийнинг ёзишича, Газиада турган Пир  
Муҳаммад Мирзонинг ҳузурига мактуб билан Ҳизр қав-  
чини жұнатадилар. Мактубда соҳибқироннинг ўлим ол-  
дидан қизгаи васиятларига кўра, Пир Муҳаммад Мирзо  
тезлик билан Самарқандга етиб келиб, салтанатин ўз та-  
сарруфига киритмоги лозим эканлиги таъкидланади. Бун-  
дан ташқари, Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзога, Багдодда Мирон-  
шоҳ Мирзога, Табризда Умар Мирзога ҳамда Форс ва  
Ироқдаги бошқа шаҳзодаларға ҳам хабарчилар юбори-  
лади.

Бироқ Темурнинг ўлими қанчалик сир тутилмасин,  
эртасигаёқ шумхабар қанот ёзиб, узоқларға парвоз қил-  
ган эди. Құшин орасида парокандалик вујудга келади.  
Тошкент ва Сайрамда қиниловда турган қўшиннинг бош-  
лиги Халил Султон Мирзо бобоси вафоти ҳақида хабар  
келгач, ўз кўл остидаги қўшинни олиб, Самарқандга қа-  
раб юради. Туркистон ва Сайрамда турган Султон Ҳусайн  
Мирзо қўл остидаги қўшиндан ўзига ишончли бир минг  
аскарни олиб, у ҳам таҳти әгаллаш мақсадида Самар-  
қандга йўл олади. Ҳали Темурнинг жасади совумасданоқ  
темурий шаҳзодалар, ҳарбий бошлиқлар ва аркон давлат  
орасида бош бошдоқлик авж олади. Соҳибқироннинг ва-  
сиятларига содиқ қолишга қасамёд қилган темурий шаҳ-  
зодалар, тез кунда қасамдан юз ўгириб, тоғ-тахт наийида  
бўладилар, ҳарбий ва маъмурий бошлиқлар эса гуруҳ-  
бозлини авжига чиқарадилар.

Шарафуддин Али Яэдийнинг ёзишича, амир хўжа  
Юсуф Темурнинг жасадини 22 февралда (23 шаърон)   
Самарқандга етказиб келади. Самарқанд шаҳарининг ҳо-  
кими Аргуншоҳ шаҳар дарвозаларини беркитиб, то ҳақи-  
кий валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзо келиб, таҳт масаласи  
ҳал бўлмагунча шаҳарга ҳеч кимни киритмасликни

этълон қилади. Фақат узоқ давом этган музокаралар сұнгыда Сарой Мұлк хоним бошчилигіда айрим маликалар ва ёш болаларғагина шаҳарға киришга ижозат берилади. Шаҳарға киритилмаганлар орасыда Улугбек Мирзо ва Иброҳим Султон Мирзолар ҳам бор әдилар. Иккала шаҳзода амир Шоҳмалик ва амир Шайх Нуриддин бошчилигидаги құшын билан бирга Бухорога қараб юрадилар. Улар билан бирга Халил Султон Мирзо лашкаридан қочиб келган амир Рустам барлос ҳам Бухорога келади. Амир Рустам барлоснинг акаси Бухоро ҳокими әди. Шу боис бўлса керак, амир Шоҳмалик, амир Шайх Нуриддин ва шаҳзодалар ҳеч қандай қаршиликеиз Бухорога кириб келадилар. Айни шу пайтда Халил Султон Мирzonинг ҳеч қандай қаршиликсиз Самарқандга кирганлиги, ҳатто шаҳар аъёнлари уни Шероз қиплогида кутиб олганлари ҳамда Зарафшон бўйида амир Аргуншоҳ Темур хазиналарининг қалитларини шахсан Халил Султон Мирзо қўлига топширганлиги ҳақида хабар келади. Шундай қилиб 1405 йил 18 март куни Халил Султон Мирзо тантаналиравишида Самарқандга кириб, улуг бобоси Темурнинг таҳтига ўтиради.

Самарқанд аркони давлатининг мунофиқлик йулига кириб, ҳақиқий валиаҳдни кутмасдан, таҳтни Халил Султонга топширганлиги, амир Шоҳмалик, амир Шайх Нуриддинга маъқул тушмайди. Улар Бухоро қалъя ва истеҳкомларини мустаҳкамлаб, жанговор ҳолатга келтирадилар. Айни шундай пайтда амир Рустам барлос Улугбек Мирзога ва Иброҳим Султон Мирзога тегишли хазинани олиб (Бу хазина Амир Темур томонидан ҳар икки шаҳзодага ажратилган әди) Халил Султон Мирзо ҳузурига қочиб кетади. Бу күнлари амир Шоҳмалик Шоҳруҳдан ёрдам сўраш учун Ҳиротга кетган әди. Амир Рустам барлоснинг фитнаси билан шаҳар аҳолисининг бир қисми амир Шайх Нуриддинга қарши кўтарилади. Амир Шайх Нуриддин Улугбек Мирзо билан Иброҳим Султон Мирзоларни муҳофаза қилиб, Хурсонга чекинишга мажбур бўлади. Улар Амударёдан ўтиб, Андхўйга борадилар. Шу аснода Шоҳруҳ Мирзо Андхўйда әди.

Халил Султон Мирзо ҳокимиятни қўлга киритгач, Темурнинг аввалги валиаҳди Мұҳаммад Султон Мирzonинг (1376—1403) 9 ёшили ўғли Мұҳаммад Жаҳонгир Мирзони «хон» қилиб кўтаради ва салтанат ишини асосан ўзи бошқаради. Зотан, Халил Султон Мирzonинг бу «жасорати» ўз замонасига кўра улкан янгилик әди. Зоро, «хонлик» мансабини Чингизийлардан Темурийлар сулоле-

ласига ўтказилини ҳали ҳеч ким томонидан қилинмаган иш эди. Ҳатто Темурнинг ўзи ҳам бундай ишга журъат қилмаган бўларди.

1405 йил март ойида ҳақиқий валинаҳд — Пир Муҳаммад Мирзо Самарқанд таҳтига ўтириш мақсадида йўлга чиққанда таҳтда Халил Султон Мирзо ўтиради. Салтанатнинг яна бошқа бир даъвогари Султон Ҳусайн Мирзо эса таҳтни осонликча ололмаслигига қўзи етгач, Халил Султон Мирзо билан қўшилган эди. Халил Султон Мирзо Султон Ҳусайн Мирзони 30 минглик қўшинга саркарда қилиб, Пир Муҳаммад Мирзога қарши юборади. Шунингдек, амир Худойдод, Темирхўжа, амир Оллоҳдод ва Ҳўжа Юсуфларни ҳам унга қўшиб жўнатади.

1405 йил май ойида Султон Ҳусайн Мирзо қўшини Балхни әгаллади. Шундан сўнг Султон Ҳусайн Мирзо димогида салтанат, тоҷ-таҳт васвасаси найдо бўлиб, ҳаттоки, валинеъмати — Халил Султон Мирзога қарши хиёнат ўлига киради. У амирларни ўз ҳузурига чорлаб: «Бир зарурат содир бўлдиким, мазкурни ҳал қилишида сизлардан бошқа ҳеч ким бизга маҳрам бўлолмайди», — деб барча амирларни ўз қароргоҳига олиб киради. Шу аснода олдиндан тайипланган 20 чоғли навқарлар қароргоҳга кириб келиб, амирларнинг қўл-оёқларини боғлайдилар. Султон Ҳусайн Мирzonинг ишораси билан навқарлар дарҳол амир Ҳўжа Юсуф ва Темурхўжани қатл қиласидилар. Қолган амирлар Султон Ҳусайн Мирзога содик эканликлари ҳақида қасамёд қилиб, зору таваллолар билан ўз жонларини сақлаб қоладилар.

Шундан сўнг Султон Ҳусайн Мирзо Самарқандга, Халил Султон Мирзога қарши юриш бошлайди. Султон Ҳусайн Мирzonинг хиёнатидан хабар тоиган Халил Султон Мирзо 1405 йил 6 июлда Шаҳрисабз яқинидаги Жигдалик мавзеида Султон Ҳусайн Мирзо қўшинини тормор қиласиди. Жанг аспосида Арғуншоҳ ва амир Худойдодлар Халил Султон Мирзо томонига қочиб ўтадилар. Халил Султон Мирзо қўшини Султон Ҳусайн Мирзони Балхгача қувиб боради ҳамда шаҳарни әгаллади. Балхда Султон Ҳусайн Мирzonинг ҳарами билан бирга барча бойлиги Халил Султон Мирзо тасарруфига киради. Султон Ҳусайн Мирзо Балхдан қочиб, Андхўйда ҳоким бўлиб турган Амир Темурнинг жияни (опасининг ўғли) Сулаймоншоҳ ҳузурига келади. Сулаймоншоҳ Султон Ҳусайн Мирзони яхши қабул қиласиди ва унга эҳтиром кўрсатади.

Бироқ кўп ўтмай, Пир Муҳаммад Мирзо қочоқ Султон Ҳусайн Мирзони тутиб беришни Сулаймоншоҳдан талаб

қилади. Сулаймоншоҳдан рад жавобини олгач, унга қарши 3000 аскар жўнатади. Сулаймоншоҳ эса Пир Муҳаммад Мирзога тенг келолмаслигига кўзи етгач, Султон Ҳусайн Мирзони олиб Ҳиротга — Шоҳрух Мирзо даргоҳига паноҳ истаб боради.

Шоҳрух Мирзо Сулаймоншоҳ билан Султон Ҳусайн Мирзони илтифот билан қарши олади. Воқеадан хабардор бўлгач, Сулаймоншоҳга Сарахс вилоятини суюргол қилиб беради ва Мироншоҳ Мирзо ҳузурига элчи қилиб жўнатади.

Султон Ҳусайн Мирзо масаласига келганда, Ҳофизи Абрўниғ ёзишича, Шоҳрух Мирзо ўз аркон давлати билан кенгашади. Аркони давлат ва атьёnlари Султон Ҳусайн Мирзо ҳақида салбий фикр билдирадилар ва «Бунодон ғаламис ва оқибатсиз бепок, ҳатто ҳазрат соҳиб-қирон ҳаётликларида ҳам Самарқандда, Тошкентда исён кутарган, онҳазратнинг вафотларидан сўнг амирлар билан мухолифатчилик қилган, эндиликда ҳеч сабабсиз зафар байроқли ўрдugoҳдан юз ўгириб, Халил Султон Мирзо ҳузурига борди, унинг амирларини қатлга етказди, Хоника бегимнинг мол-мулкини горат қилди, бинобарин, бундай нопок қариндошнинг баҳридан ўтмак керак», деб арз қиладилар. Шундан сўнг Шоҳрух Мирзо Пир Муҳаммад Мирzonинг талабини тўғри деб топиб, Султон Ҳусайн Мирзони қамоққа ҳукм қилади. Бир неча кун ўтгач, Шоҳрух Мирzonинг фармонига мувофиқ, амир Нўширавон барлос Султон Ҳусайн Мирзони Ҳиротнинг Ироқ дарвозаси ташқарисига олиб чиқиб қатл қилади. Ҳофизи Абрўниғ ёзишича, Султон Ҳусайн Мирzonинг бош терисини шилиб олиб, ичига похол тиқиб, Пир Муҳаммад Мирзо ҳузурига юборадилар. Жасадини эса Ҳирот бозорига олиб бориб осиб қўядилар.

Пир Муҳаммад Мирзо Сулаймоншоҳ устидан қилган галабасидан сўнг, Балхни эгаллайди ва Шоҳрух Мирзо билан Мовароуниҳри қўлга киритиш учун Халил Султон Мирзога қарши битим имзолайди. Битимга кўра, амир Шоҳмалиқ Халил Султон Мирзога қарши юришни Шоҳрух Мирzonинг қўшини етиб келгунча бир оз кечиктиришни Пир Муҳаммад Мирзодан илтимос қилади. Шунингдек, юришни Бухородан бошлишни таклиф қилади. Бироқ, Халил Султон Мирзо қўшинининг йўлга чиққан хабарини эшитишгач, Қарши томонга қараб юрадилар. 1406 йилнинг февралида Халил Султон Мирзо қўшини билан Пир Муҳаммад Мирзо ва Шоҳрух Мирзо қўшинлари ўртасида қарши яқинида жанг бошланади. Жанг қи-

зид, амир Шоҳмаликнинг баҳодирлиги ўлароқ Ҳалил Султон Мирзонинг маглубияти кўришиб турган пайтда бир неча амирлар Пир Муҳаммад Мирзога хиёнат қилиб, жанг майдонини ташлаб кетадилар ва урушнинг итижаси Ҳалил Султон фойдасига ҳал бўлади. Пир Муҳаммад Мирзо Балхга, амир Шоҳмалик эса Хуросонга қараб қочадилар, Пир Муҳаммад Мирzonинг жанг майдонидан қочиш асносида бутун бошилик қароргоҳи ва ҳарами Ҳалил Султон Мирзо қўлига тушади.

Мана шу маглубиятдан сўнг бир йил ўтгач, яъни 1407 йил 22 февралда Пир Муҳаммад Мирзо вазири амир Пир Али Тоз томонидан қийнаб, бўгиб ўлдирилади. Амир Пир Али Тоз валинеъмати Пир Муҳаммад Мирзо билан бирга унипиг энг яқин кишиларини ҳам ҳалок этади.

Ҳақиқий валинаҳд Пир Муҳаммад Мирзо фожиасидан сўнг, Шоҳруҳ Мирзо Самарқанд таҳтига даъвогар сифатида майдонга чиқади. Дарҳақиқат бу пайтда Ироқда фаолият кўрсатайтган Мироншоҳ Мирzonи ҳисобга олмаганда, Мовароунинаҳр ва Хуросондаги Темурни шаҳзодалар орасида ёши улуги ва истеъдодлиси Шоҳруҳ Мирзо эди. Шунингдек, унинг ота таҳтига даъвогар бўлиши қонуний ва табиий эди. Бинобарин, Шоҳруҳ Мирзо ўзининг зоҳирий ва ботиний истеъдодини ишга солиб, Ҳалил Султон Мирзога қарши ҳужумга ўтади.

Ҳалил Султон Мирзо салтапатни бошиқаришда адолатни бош мезон қилиб, мамлакат ички ва ташқи аҳволини яхшилаш чораларини излайди. Аммо хотини Шодимулк бегимпинг салтанат ишларига фаол аралашуви итижаси ўлароқ, аркони давлат орасида айрим норозиликларнинг пайдо бўлиши, душманларга қўл келади. Чунончи, Темур давридаги бек ва амалдорларга илтифот кўрсатилмайди. Шунингдек, Шодимулк бегимнинг хоҳининг кўра, Темур сафдошларига қарама-қарши ўлароқ, қандайдир Бобо Турмуш деган кимса тўла ҳуқуқли вазирлик маисабини эгаллайди. Аввалги амалдорлардан Аргуншоҳ ва Оллоҳдодларга ҳам ҳеч қандай илтифот кўрсатилмайди. Қуйи табақага мансуб бўлган кишилар юқори лавозимларга кўтарилади. Бундан ташқари, Шодимулк бегим Темурнинг барча бева хотинлари ва канизакларини ҳарбий бошиликлар ва амалдорларга хотинликка берини ҳақида Ҳалил Султон Мирзога маслаҳат солади ва эрини шунга кўндиради. Итижада, 1406 йилда Темурнинг бева хотини Туман оғо бегим амир Шайх Нуриддинга хотинликка берилади. Ибн Арабшоҳнинг ёзинича, Темурнинг энг катта хотини Сарой Мулк хоним ҳамда Тўкал хоним-

лар Шодимулк томонидан 1408 йили заҳарлаб ўлдириладилар.

Аркон давлат ўртасида вужудга келган бундай ноаҳиллик салтанат пойдеворига раҳна солиши муқаррар эди. Зотан, ана шундай қулай вазият Шоҳрух Мирзо учун асқотади. 1409 йил баҳорда Шоҳрух Мирзо қўшини Бодҳез мавзенига келиб тўхтайди. Халил Султон Мирзонинг қўшини эса Шаҳрисабзда урушга тайёр ҳолда турарди. Шу аснода шимолда амир Худойдод бошчилигига исён қўтарилигани ҳақида хабар келади. Халил Султон Мирзо асосий қўшинни Шаҳрисабзда қолдириб, 4000 аскар билан амир Худойдодга қарши юришга мажбур бўлади. 1409 йил 30 март куни Халил Султон Мирзо амир Худойдод томонидан асирга олининб, Самарқандга келтирилади. Кейинчалик эса Фаргонага олиб кетилади. Ниҳоят, 1409 йил май ойида, Халил Султон Мирзо Фаргонадан ўтрорга келтирилади. Амир Шайх Нуриддиннинг воситачилигига Шоҳрух Мирзо билан Халил Султон Мирзо ўртасида битим тузилади. Битимга мувофиқ Халил Султон Мирзо Мовароунаҳр ҳукмронлигидан воз кечади. Эвазига Рай вилоятининг ҳокими этиб тайинланади.

## МИРЗО УЛУГБЕК

Шоҳрух Мирзо Самарқандга 1409 йил 13 майда кириб келади. У Самарқанд аркон давлатини душманларидан тозалаб, бир қадар тартиб ўрнатгач, Улугбек Мирзони Мовароунаҳр ҳукмдори этиб тайинлайди. Иккинчи ўғли Иброҳим Султон Мирзони Балхга, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони (собиқ валиҳад Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғли) Ҳисор ва Соли Саройга, Умар Шайх Мирzonинг ўғли Аҳмад Мирзони Фаргонага ҳоким этиб тайинлайди. Ўзи Ҳиротга қайтади. Мазкур вилоятларга тайинланган шаҳзодаларнинг Аҳмад Мирзодан бошқаси ҳали ёш бўлганлиги туфайли уларга иш бошқарувчилар тайинланган эди. Жумладан Мовароунаҳрда Улугбек Мирзо номидан ҳокимииятни амир Шоҳмалик бошқаради. Аммо амир Шайх Нуриддин Самарқандда амир Шоҳмалик билан Улугбек Мирзонинг ҳукмронлигини тан олмайди. У мўгуллар билан биргаликда Самарқандга қарши жанглар қиласиди. Бу курашларда амир Шоҳмалик бир неча марта мағлубиятга учрайди. 1411 йили ҳал қилувчи жанглар бўлиб ўтади. Амир Шоҳмалик ва Улугбек Мирзонинг мағлубияти эҳтимолидан ташвишланган Шоҳрух Мирзо

Мовароуинаҳр томонга қўшини тортади. 1411 йил ёзидағи навбатдаги жанг асносида амир Шоҳмалик ишлатиб, амир Шайх Нуриддинин үлдиришига мувваф фақ бўлади. Шоҳруҳ Мирзо Амударёнинг ўнг соҳилига утгач, 20 сентябрда Улугбек Мирзо ўз аркон давлати билан Қашқадарё бўйида отасини кутиб олади. Улар тантана билан Самарқанд доруссалтанатига йўл оладилар. Шоҳруҳ Мирзо ўз лашкаргоҳини Чўпонота тепалиги ёнидаги Конигилга қуради. Шоҳруҳ Мирзо бир неча кун бу ерда истироҳат қилгач, хотиржам бўлиб Ҳиротга йўл олади. У Самарқанддан кетаётуб, узи билан бирга амир Шоҳмаликини ҳам олиб кетади. Ана шуидан сўнг Улугбек Мирзо ўз васийсидан халос бўлади ва 17 ёнида улкан Мовароуинаҳр мулкининг ягона ҳукмдори бўлиб қолади. Биобарин, у биринчи марта ҳукмдор сифатида отасининг кетиши олдидан унинг шарафига катта зиёфат беради ва падарига қимматбаҳо ҳадялар ишъом қиласди.

Улугбек Мирзо Мовароуинаҳр ҳукмдори этиб тайинлангач, кўн вақтини Самарқандда ўтказар, ҳатто отаси Шоҳруҳ Мирзонинг ҳарбий юришларида ҳам камдан-кам қатиашар ва айрим ҳолларда қўшини юбориш билан чекланарди.

1413 йил кузидан Улугбек Мирзо ўз амакиваччаси — Фарғона ҳукмдори Аҳмад Мирзо ни (Умар Шайх Мирзо нинг ўғли) ҳарбий кенгац баҳонасида Самарқандга таклиф қиласди. Аммо Улугбек Мирzonинг феълини яхши билган Аҳмад Мирзо ҳадиксираб мазкур кенгацга келмайди. Шундан сўнг Улугбек Мирзо Аҳмад Мирзо билан музокара юритиши учун Боязид парвоначанин Андижонга юборади. Музокара натижаси ӯлароқ, Аҳмад Мирзо ўзининг ёш ўғлини гаров тарзида Самарқандга юборишга ваъда беради. Бироқ, ваъда амалга ошмайди. Шу боис Улугбек Мирзо ўз қўшини билан Фарғонага босиб боради. Аҳмад Мирзо эса шаҳар ва қўргонларга ҳарбий гуруҳларни қўйиб, узи тоққа чиқиб кетади. Улугбек Мирзо Андижон ва Ахсини жанг билан олиб, у ерларга ўз бекларидан бир печасини маълум миқдорда қўшин билан қолдиради, узи эса Самарқандга қайтиб кетади. Қўп ўтмай Аҳмад Мирзо тарқалиб кетган қўшинларидан бир қисмини йигиб, шунингдек мўгуллардан қўпин олиб, ўш яқинидаги Улугбек Мирзо қолдирган қўшинини тор-мор қиласди. Аммо Андижон ва Ахсини қўлга киритолмайди. Муғул аскарлари ўшини талаб, ӯлжа йиғиб Муғулистоңига қараб кетадилар. Аҳмад Мирзо эса Қашқарга ўтиб кетади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳруҳ Мир-

зо 1415 йил 25 майда Аҳмад Мирзога қўйидаги мазмунда мактуб йўллайди: «Эшитишимиизга қараганда, Аҳмад Мирзо билан фарзандимиз Улугбек орасида фисқу фасодчиларнинг ном ўътабар сўзларига эътиборан шаҳарлар ва фуқароларнинг ташвишларини ортирувчи кечмиш юз берибди. Бу хабарни биз Ироқ мамлакатида эканлигимизда эшитдик, аммо масофа йироқлиги туфайли, унинг тадорикини кўришга кириша олмадик. Доруссалтанат Ҳиротга қайтиб келгандац кейин эса эшитдикки, у фарзанд Муғулистон томон кетаётган эмиши. Бу ҳол биз учун баоят маслаҳатдан йироқ ва ажиб туулди. Нунки биродарлар ва фарзандларга иисбатан бизнинг «беникдан тобутгача» ғамхўр эканлигимиз унга маълумдир. Ота-болалик биноси қўзголмай турувчи тоглардек сабит бўлмоги учун у фарзанд бизнинг ҳузуримизга ҳомийлик паноҳини сўраб келишига ишончимииз комил ва эътиқодимиз кучлидир. Бу сўзларни туғишиганлик вазифаларни адо этиш мусулмонлик ҳам мусулмонларга ғамхўрлик қилиш юзасидан айтилди. Такаллуфу мақтаинчоқлик, макр-ҳийлага йўйиб кек сақлаш бизлар учун уятдир. Эҳтимолки, мулозимликда юрган бир гурӯҳ кишилар мазкур ноўрин ҳаракатлар хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий тарзда улар томонидан содир бўлганлиги туфайли, ваҳимага тушиб, у фарзанднинг бизнинг ҳузуримизга келишига монеълик қиласлар. Аҳмад Мирзо уларнинг барчасини ишонтиренки, биз ҳаммаларнинг жарималарини афв қилдик. Ҳақ устига ҳақдирқи, уларнинг ҳаммасига раҳм-шафқат паноҳидан бошшана бергумиздир».

Шундан сўнг, 1416 йилда Аҳмад Мирзо Қашқардан Ҳиротга келади. уни қайтадан бирор вилоятга ҳукмдор қилиб тайинлаш нари турсин, ҳатто Ҳиротдан ташқарига чиқармасдан, назоратда сақлайдилар. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Аҳмад Мирзо Абубакр Мирзонинг ўғли Илангир Мирзо билан ҳамтовоқ бўлиб олиб, иккаласи эртаю кеч бетиним шаробхўрлик билан машгул бўлганлар. Баъзи фитначи навкарлар уларнинг хотирига салтанат хом хаёли ва маккорлик васвасасини ўриатганлар. Уларнинг бу қилмишлари олий салтанатга маълум бўлгач, жазога мустаҳиқ қилинганилар. Чунончи, Аҳмад Мирзо Каъбатулло зиёратига жунатишга фармон берилган. Табиийки, у Каъбатулло зиёратидан қайтиб келмаган ва 1425 йилда вафот этган.

Улугбек Мирзо 1425 йил 16 февралда Муғулистонга қарши ҳарбий юриш боплайди. Шоҳруҳ Мирзо бу юришини тўхтатиш мақсадида икки марта <sup>Бух.</sup> Улугбек Мирзоға

әлчилар юборади. Аммо Улугбек Мирзо әлчиларга жавобда: «Юриш ҳақидаги фармон аллақачон овоза бўлгани, агар эндиликда юриш тұхтатилса, душман бизни күчсиз әкац деб гумоң қулиши мумкин», — деган баҳонали рўкач қилиб, сафарни давом эттиради. Улугбек Мирзо Йессиқ-кўл истеҳкомини әгаллаб, Жаҳоншоҳ қўшинии таъқиб қиласиди. Саркарда амир Арслонхўжайинг жонбозлиги туфайли Улугбек Мирзонинг қўшини жангда голиб чиқади. Улугбек Мирзо юришдан қайтаётиб, 2000 чапдаст ботир аскарларини Қарши истеҳкомидаги яшм (нефрит) тошини Самарқандга олиб келиш учун жўнатади. Бу тош бир вақтлар Хитойдан Қаршига келтирилган бўлиб, Амир Темур уни Самарқандга әлтиш учун Жаҳоншоҳ бошчилигига бир неча минг кишини Қаршига юборган бўлсада, тошни олиб келиш иложини тополмаганлар ва тош ўша ерда қолиб кетган. Ҳофиз Абрўнинг ёзишича, Улугбек Мирзо томонидан юборилган кишилар икки бўлак катта яшм тошини аравага солиб гоҳ от қўшиб, гоҳ ҳўкиз қўшиб, Самарқандга келтирганлар. Аммо, тарихчи Мирхондининг ёзишича, мазкур яшм тоши уч бўлакдан иборат бўлиб, бир бўлаги соҳибқирон Амир Темур давридаёқ Самарқандга олиб келинган. Мазкур яшм тоши Амир Темур мақбарасига (Гури Мир) жойлаштирилади. Аммо Улугбек Мирзонинг галаба шодиёнаси кўпга чўзилмайди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, 1420 йили Бароқ ўғлон Улугбек Мирзо ёрдамида ўзбек ҳукмдори Муҳаммадхон устидан галаба қилиб ҳокимиятни қўлга киритган эди. 1426 йилда эса Бароқ ўғлон Сигноқни әгаллайди. Сигноқ Жўчихон авлодига қарашли мулк булиб, 1377 йилда Амир Темурнинг ёрдами билан бу ерга Бароқ ўғлонининг бобоси Урусхоннинг ҳарбий үрдугоҳи жойлашган эди. Урусхон даврида Сигноқда бир неча мадраса, ҳонақоҳ, масжид ва бошқа маданий-маишӣ қурилишлар барпо қилинган, кейинчалик Сигноқ Амир Темур салтанатига қўшилиб кетган эди. 1426 йили Урусхоннинг набираси Бароқ ўғлон Улугбек Мирзодан ижозатсиз Сигноқни әгаллаб, бу тўғрида Улугбекка «Шариатга муноғиқ, ўз бобом меросига эгалик қилдим», — деб элчи юборади. Улугбек Мирзо тарафидан Сигноқка ҳоким қилиб тайинланган амир Арслонхўжа шоҳ ҳузурига келиб, Бароқ ўғлонининг кирдикоридан шикоят қиласиди. Улугбек Мирзо даргазаб бўлиб, Бароқ ўғлонга қарши ҳарбий юриш бошлайди. Ушбу хабарни эшитган Шоҳруҳ Мирзо Улугбекка бу юришни ман қиласиди. Аммо

Улугбек кўнимай ҳарбни бошлаб юборгач, кичик ўғли Муҳаммад Жўки Мирзо бошчилигида бир бўлак қўшини ёрдамга юборади.

Муҳаммад Жўки Мирзо ўз қўшини билан 1427 йил 25 февралда Сигноқ йўлида акаси Улугбек Мирзога келиб қўшилади. Шундан сўнг ҳар икки шаҳзода ўз ҳарбий салоҳиятларига шундай эътиомд қўядиларки, гуё ҳеч қандай куч уларга тенг келолмаслигига ишончлари комил бўлади. Бинобарин, улар Бароқ ўғлонин назар-писанд қилмай жангга киришадилар. Бароқ ўғлон эса душман аскари сон жиҳатидан кўплигини кўргач, макр-ҳийла ишлатиб, Сигноқ яқинидаги наст-баландликда тусатдан ҳужумга ўтади ва Улугбек Мирзо қўшинини пароканда қилиб юборади. Натижада ҳар икки шаҳзода жанг майдонидан аранг чиқиб олиб, орқага чекинадилар ҳамда Самарқандга қайтиб келадилар. Гарчи Самарқанд бекларидан айримлари мағлуб бўлган шаҳзодаларга шаҳар дарвозасини очмасликка ҳаракат қилсалар-да, аркони давлат маслаҳатлашиб, қопқани очишга қарор қиладилар. Айни пайтда Бароқ ўғлон қўшини Мовароунаҳрининг шаҳар ва қишлоқларини аёвсиз талон-торож қилиб, Самарқандга яқинлашмоқда эди. Бемор Муҳаммад Жўки Мирзо Самарқандда қолади. Уига тегишли Қандаҳор ва Хирот қўшинларини Улугбек Мирзо ўз лашкарига қўшиб, Сирдарёни кечиб ўтади. Шоҳрухия орқали Тошкентга етиб келгана, Бароқ ўғлон қўшинининг орқага қайtgани ҳақида хабар эшигади.

1427 йил 28 майдан Шоҳрух Мирзо Хиротдан чиқиб, Самарқанд томон юради. Бу хабарни эшигтган Улугбек Мирзо аскарларини Тошкентда қолдириб, ўзи Термизга келади ва отаси Шоҳрух Мирзога нешваз чиқади. Шоҳрух Мирзо Самарқандга келгач, мағлубият сабабларини нухта ўрганиб, Мовароунаҳрлик бир неча амирларни дарра жазосига маҳкум ётади, Улугбек Мирзони эса каттиқ қийин-қистов билан тергов қилади ҳамда бир неча кун эътибордан четда сақлайди. Ниҳоят кўп дўқу пўни-салардан сўнг Мовароунаҳр таҳтини яна Улугбек Мирзога топшириб, ўзи Хиротга қайтади.

Ана шундан сўнг Улугбек Мирзо ўз фаолиятини асосан илм-маърифат йўлига сарфлайди. Умуман, Улугбек Мирзо ўз замонасиининг талаби қаршисида омади келмаган саркарда, уддабуронлик етишимайдиган ҳукмдор эди. У аслида улуғ олим ва бунёдкор киши бўлиб бобоси Амир Темур каби жангчи эмас, балки илм-маърифат шайдоси эдә. Бинобарин, у мамлакатда илм-фан давпа-

қига жоп-жаҳди билан киришар ва бу йўлда хазинани аямасди. Унинг даврида Самарқанд Шарқнинг энг гуллаган маданият ўчогига айланган эди.

Улугбек Мирzonинг биринчи устози «Замона Афлотуни» Салоҳиддин Мусо иби Маҳмуд Қозизода Румий эди. Улугбек Мирзо Қозизода Румийдан фалакиёт (астрономия)га доир сир-синоатларни ўрганиб, кейинчалик мазкур алломанинг маслаҳати билан Кошонлик Ниёсиддин Жамшид иби Маъсудни Самарқандга тақлиф қиласди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Улугбек Мирзо яна бир Кошонлик фалакиёт илми алломаси — Муънидини ҳам Самарқандга чақириб келтирган.

Улугбек Мирzonинг саъй-ҳаракати билан 1424—1428 йиллар мобайнида Самарқанд шимолида Обираҳмат ариги бўйидаги Кўҳак тепалиги бағрига жаҳонга машҳур расадхона қурилади. Бунгача фалакиёт илмининг кузатув ишлари 1417—1420 йилларда қурилган Улугбек мадрасасининг ҳужраларида бирида олиб борилган.

1417—1430 йиллар орасида Улугбек Мирзо Самарқанд маркази бўлмиш Регистон майдонида улкан мадраса, хонақоҳ, муқаттаъ масжиди ва ҳаммом қурдиради. Бу ҳақда Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо шундай ёзади: «Улугбек Мирzonинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичидаги мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуг гумбаздир, оламда онча улуг гумбаз йўқ деб нишон берурлар... Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибдур, масжиди муқаттаъ дерлар. Бу жиҳатдин муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тароп қилиб, исломий ва хитойи нақшлар солубтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунилиқтур. Бу масжиднинг қибласи бирла мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Голибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи била амал қилибтурлар». Шунингдек, Улугбек 1417 йилда Бухорода ва 1433 йилда Фиждувонда ҳам мадраса қурдирган. Мазкур мадрасаларда диний илмларга нисбатан математика, геометрия (ҳандаса), фалакиёт, табиёт, жуғрофия ва тарих каби дунёвий илмлар кўпроқ ўқитилган.

Улугбек Мирзо бундан ташқари кўпгина жамоат билолари — карвонсаройлар, тимлар, чорсулар ва ҳаммомлар ҳам қурдирган. Карвонсаройларидан энг каттаси Регистонда, ҳозирги Тиллакори мадрасаси ўрнида жойлашган бўлиб, Мирзойи номи билан шұҳрат топган. Бундай карвонсаройлар, ҳаммомлар, фақат нойтаҳт Самарқанддаги на эмас, бошқа йирик шаҳарларда ва савдо йўлларида

ҳам қурилган. Масалан, Самарқанддаги Улугбек мадрасаси ва хонақохи яқинида қурилган Улугбек Мирзо ҳаммомини олсак, гоят нағис санъат билан қурилган ва бекійес ҳашнаматли бұлған. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай сатрлар учрайди: (Мирзо Улугбек) яна ушбу мадраса ва хонақохга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур. Мирзо ҳаммоми-ла машұрдур, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандға онча ҳаммом маълум әмаским бұлгай...»

Улугбек Мирзо Гүри Амир мақбарасига ҳам айрим қурилишлар билан ўзгача файз тароват багишлайды. Чүнөнчи, мақбаралынг Шарқ тарағидалап әпнік очдириб, уннинг марказыға етгунча гүмбазли нақшынкор йўлак (галерея) қурдиради. Соғоналарни ўраб турған мармар панжаралар ҳам Улугбек Мирзо замонасига мансубдир.

Самарқанддаги Афросиёбнинг жанубида улкан қабристон марказыда жойлашған Шоҳи Зинда обидаси меъморчилік санъатининг камёб дурдоналаридан ҳисобланади. Мазкур ёдгорлик асосан XI асрдан бошлаб қурилған келинаётган бұлса-да, Амир Темур ва Улугбек Мирзо замонасида ишқоясига етказилған. Улугбек Мирзонинг саъй-ҳаракати билан бу ерда ҳам меъморчилік ишлари олиб борилади. 1434—1435 йиллар мобайнида Шоҳи Зиндининг асосий дарвозаси, ранг-баранг кошинлар билан зийнатланиб қайтадан қурилғанлығы ҳам Улугбек Мирзо замонасииң меъморчилік санъатидан ишишадур. Шуннингдек, Улугбек Мирзо ўз устози Қозизода Румий қабори устига құш гүмбазли мақбара бунёд әттирган. Мазкур мақбара Шоҳи Зиннадаги әнг гүзал обидалардан биридір.

Улугбек Мирзо замонида қурилған биноларнинг энг улуги жаҳонға машҳур расадхонадир. Заҳириддин Мұхаммад Бобур Мирzonинг ёзишича, расадхона уч қаватли бұлған. Бу иодир обиданинг ички қисмими Абдураззок Самарқандий шундай тасвирлайды: «Бинонинг ички қисми жаҳонда тенғи йүқ раңг-баранг нақшлар билан безатылиб, девор ва шифтларыда осмон градус (даражалари), дақиқалари ва ҳатто сонияларигача ҳисобланиб, етти сайёра ҳамда «ҳаракатсиз» (события) юлдузлар, шуннингдек, ер курраси, етти иқлим, тогу саҳролар ва дарёю деңгизлар ҳамда уммонларгача тасвирланған».

Улугбек Мирзо расадхона ёнида, яғни Құхак тепалигининг гарбий қисмиде оромбахш бир бөг ҳам бунёд этауди. Мазкур бөг ўз даврида Боги майдон номи билан шұхратлашған. Боги майдон ҳақида «Бобурнома»да шундай дейилади: «(Улугбек Мирзо) яна пуштайи Құхакнинг до-

манасида гарб сори боги солибтур Боги Майдонга мавсум. Бу боғниңг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилстун дерлар, ду ошиёна, сутунлари тамом тошдин. Бу иморат-нинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кутарибдурларким, юқорига чиқар йўллар бу тўрт бурждандур. Ўзга тамом ерларга тошдин сутунлардир. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юқориги ошиёнанинг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат қурсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу иморатдин пуштайи Кўҳак сари доманада яна бир bogча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичидаги бир улуғ тош тахт қуюбтур, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлғай, арзи етти-саккиз қари, умқи бир қари. Шундоғ улуғ тошни хийла йироқ йўлдин келтурубдурлар. Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларки, ушбу ерда келтирилгандан сўнг бу дарз бўлғондур. Ушбу bogчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, чиннихона дерлар. Хитойдан киши йибориб келтурубтур».

Улугбек Мирзо ҳукмдорлар орасида буюк олим, олимлар орасида улуғ аллома эди. У риёсиёт, фалакиёт, ҳандаса ва тарих фанларида үзининг буюк кашфиётлари билан учмас из қолдиради. У 1437 йилда жаҳонга машҳур асари — «Зинги жадиди курагоний» номли асарини ёзиб тугатади. Бу асар Самарқанд расадхонасиининг кўп йиллик самарали маҳсулларидан бири бўлиб, фалакиёт фанинг назарий ва амалий масалаларини үзида мужассам-лаштирган шоҳ асардир. Улугбек Мирзо аниқ фанлардан ташқари тарих ва мусиқа илмида ҳам қалам тебратган. «Муҳит ут-таворих» номли асарда ёзилишича, Улугбек Мирзо зўр шинаванд мусиқашунос ҳам бўлган. У катта ва кичик нақораларда ижро этиладиган булужий, шодиёна, ахлоқий, улусий ва усули равон қаби мусиқа асарларини яратган. Шунингдек, «Тарихи Рашидий»нинг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, Улугбек Мирзонинг етук олим бўлганлигини таърифлаб, «Мирзо Улугбек тарихнавис донишманд эди ва «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи»)ни ёзиб қолдирган эди», — дейди. Бу ҳақда машҳур тарихчи Фиёсиддин Хондамир ҳам маълумот қолдирган.

Улугбек Мирзо йирик олим булиши билан бирга, ўз даврида фан таракқиётига раҳнамолик курсатиб, илм-фан аҳлига ҳомишилик қилган. Уининг даврида Самарқанд шахри илму фан ва маданият марказига айланниб, кўплаб етук олимлар, ўплаб ҳассос шоир ва сухандон адиллар саройда ўзларига муносиб мавқеъга эга бўлиб яшаганлар ва

ижод қылганлар. Чунончи, йирик математик ва астроном Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, мавлоно Муиъиддин Конюний ва Али Қүнчи, етук мударрислардан Сайид Имомиддин ва мавлоно Мұхаммад Ҳавоғий, машҳур шарҳчи ва тиб илмининг билимдони Бурхониддин Нафис иби Аваз Кирмоний, забардаст шоирлардан Мавлоно Путфий, мавлоно Хиёлий, Исматулло Бухорий, Камол Бадахший, йирик адабиётшунос ҳамда тишишунос Ҳожа Фазлуллоҳ Абуллайсий шулар жумласидандир.

Улугбек Мирзо тиляда ёзилган қадимий ёдгорликларни ўрганиш ва уларни халқ ўртасида тарқатишпда ҳам катта хизмат қиласиди. Жумладан, 1444 йилда Аҳмад Юғиакий (XI—XII аср)нинг машҳур «Ҳибат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар туҳфаси») номли асари янгидан кўчирилган. Шунингдек, уша вақтда Улугбек Мирзо саройида таржимонлик ишлари ҳам яхши ривожланиб, бир неча қимматли асарлар араб ва форс тилларидан туркий тилга таржима қилинган.

Улуг мутафаккир Алишер Навоий Улугбек Мирзо мадҳида қуйидаги ғазални битган:

Темурхон наслидин султон Улугбек,  
Ки олам кўрмади султон аниңдек.  
Онинг обнойи жинси бўлди барбод,  
Ки давр аҳли биридан айламас ёд.  
Валек ул илм сори тоғти чун даст,  
Кўзи олинда бўлди осмон паст.  
Расадким боғламиш зеби жаҳондир,  
Жаҳон ичра яна бир осмондур.  
Билиб бу навъ илми осмоний,  
Ки ондин ёэди «Зижи Курагоний».  
Қиёматга деганча аҳли айём,  
Езарлар онинг аҳкомидин аҳком.

## УЛУГБЕК МИРЗО АВЛОДИ

Хондамирнинг ёзишича, Улугбек Мирзо беш марта уйланган. Унинг биринчи хотини Мұхаммад Жаҳонгир Мирзонинг (1356—1376) ўғли — Мұхаммад Султон Мирзонинг (1376—1403) қизи — Ўги Беги (Ога Беги) дир.

Шарағуддин Али Яздийнинг ёзишича, Ўги Беги 11 ёшли Улугбек Мирзога (1404 йил) унаштирилган эди. Бу вақтда Ўга Беги неча ёнда эканлиги ҳақида маълумот учрамайди. Ҳар ҳолда Улугбек Мирзо таҳтга ўтиргач, 1409 йилда Ўги Бегини ўз никоҳига киритган бўли-

ши керак. Ўги Беги 1412 йил 19 августда қиз тугади. Ҳабиба Султон икки ёшида вафот этади. Ўги Беги Хоним яна бир қиз тугади. Мазкур иккинчи қизга ҳам Ҳабиба Султон деб исм берадилар.

1419 йилда Ўги Беги хоним бетобланиб вафот этади. Уни отаси Муҳаммад Султон Мирзо ёнига (Гур Амир) дағы этадилар. Ўги Беги она томондан хон авлодига мансуб бўлганлиги туфайли, Улуғбек Мирзо унга уйлангач «курагон» деган унвонни олишга мушарраф бўлди, деган Фикрлар ҳам бор. Лекин Улуғбек Мирзонинг иккинчи хотини Оқ Султон Хон Оғо эди. У соҳибқирон Темур ҳаётлигига номигагина хон этиб тайинланган муғул Султон Маҳмудхонинг қизи эди. Улуғбек Мирзо аслида ушбу хотини туфайли «Курагон» унвонига сазовор бўлган. У Оқ Султон Хон Оғони гоятда севар ва барча сафарларида ўзи билан бирга олиб юради. Бу ҳақда турли-туман ривоятлар ҳам мавжуд. Тарихчи Мирхонднинг ҳикоя қилишича, кунлардан бир кун Улуғбек Мирзо рамл (фол) илмининг моҳир билимдони Муҳаммад Ардистоний билан сухбат асносида, ундан яқин келажакда содир бўладиган воқеалар ҳақида фол очишини сўраган. Сухбат асносида Али Қушчи ҳам иштирок этаётгани туфайли, Муҳаммад Ардистоний «бўлажак воқеалар тугуни ҳарам билан боғлиқ эканлиги сабабли, бегона кишилар ҳузурида айттол маслигини» билдирган. Улуғбек Мирзо Муҳаммад Ардистонийга қараб, «Али Қушчи менинг дўстим, бинобарин ундан ҳеч нарсани сир тутмайман, бемалол гапираверинг»,— деган. Шундан сўнг Муҳаммад Ардистоний, «Ҳукмдор яқин кунлар ичida хотинларидан бирини ўлдиради, иккинчи хотини, яъни «Хон қизи»ни эса талоқ қилади»,— дейди. Улуғбек Мирзо ромчининг сўзига ишонмайди. Чунки у Оқ Султон Хон Оғони ниҳоят дараҷада севарди. Бироқ кўп ўтмай ромчининг биринчи башорати амалга ошади. Шунда «Хон қизи» кундош ўлимидан шодлигини яшира олмай, ошкора тантана билан ўз мамниутини изҳор этади, ҳатто кинояли сўзлар билан Улуғбек Мирзони маломат қилади. Улуғбек Мирзо иккинчи хотинини қанчалик яхши кўрмасин, унинг таънасиға чидолмай талоқ қўйиб, ҳарамдан эҳроj қилади.

Улуғбек Мирзонинг учинчи хотини Ҳусн Нигор Хон Оғо бўлиб, Халил Султон Мирзонинг қизи эди. Тарихий қўлёзма асарларда Улуғбек Мирzonинг «беш пафар хотипи бор эди», деб ёзилса-да, бироқ унинг тўртинчи ва бешинчи хотинларининг номи кўрсатилмайди.

Мазкур беш пафар маликалардан ташқари, Улуғбек

Мирзо ўз құл остидаги хос канизакларидаи олти нағарини никохига киригтан әди. Чунончи улардан биринчи — Руқия Султон хотун, иккинчиси — Мехр Султон бўлиб, Сари Буганинг ўғли Таваккалиниң қизи әди. Учинчиси Давлат Султон, Хонд Саъиддининг, тўртничиси — Бахти — Қосупий ўзбекнинг, бешинчиси — Давлат Бахт — Шайх Мұҳаммад барлоснинг, олтинчиси — Давлат Бахт Саодат — Баён кўкалдошнинг қизи әди.

Улугбек Мирзонинг етти нафар қизи бўлган. Юқорида айтилганидек, биринчиси — Ҳабиба Султон, унинг онаси Ўги Беги әди. Шоҳруҳ Мирзо саройидаги тартибга мувофиқ ҳомиладор Ўги Бегини ой-куни яқинлаштач. Самарқанддан Ҳиротга олиб кетадилар. 1412 йил 18 августанда Ўги Беги ҳомиладан бўшайди. Туғилган қизга — Ҳабиба Султон деб исм қўядилар. Шунингдек, Ўги Беги хон авлодига мансуб бўлгани туфайли, Ҳабиба Султонга «Хонзода бегим» унвонини берадилар. Ўги Беги маълум муддатдан сўнг Ҳиротдан Самарқандга қайтиб келган бўлса-да, аммо қизи Ҳабиба Султон бегим Ҳиротда Гавҳаршод бегим мураббиялигига тарбияланади. Аммо ўша замон тарихчиларишиң берган маълумотига қараганда, Ҳабиба Султон икки ёшида вафот этади. Ўги Беги хоним яна бир қиз тугади. Мазкур иккинчи қизга ҳам Ҳабиба Султон деб ном қўядилар, ҳамда Хонзода бегим деб атай бошлайдилар. Бироқ, Хондамиришинг таъкидлашпича, икки ёшида вафот этган қизнинг номи Хонзода бегим бўлиб, иккинчи туғилган қизга эса Ҳабиба Султон деб ном қўйган. Бу қиз ҳам Ҳиротда бувиси Гавҳаршод бегим қўлида тарбияланади.

Улугбек Мирzonинг иккинчи қизи — Оқ Бош бегим ва учинчиси — Султон Бахт бегим бўлиб, бу қизларниңг онаси Руқия Султон Хотун әди. Тўртничиси — Қутлуғ Туркон ого бўлиб, онаси Давлат Бахт Саодат бегим әди. Бешинчиси — Таго Туркон ва олтинчиси — Ого Тўғон исемли қизалоқлар ёшлигига вафот этганлар. Шунингдек, уларниң қайси опадан туғилганилклари ҳақида ҳам маълумот учрамайди. Еттинчи — Робия Султон бегим ҳақида ҳам етарли маълумот йўқ. Фақат шуниси матълумки, 1451 йилда Султон Абусаид Мирзо кўчмаичи ўзбеклар хони Абулхайрхон ёрдамида Самарқандни забт қилигач, марҳум Улугбек Мирzonинг кенжә қизи Робия Султон бегимни бошқа қимматбаҳо ҳадялар қаторида Абулхайрхонга пешкаш қиласди. Абулхайрхон Робия Султон бегими ўз никохига киритиб, Туркистонга олиб кетади. Робия Султон бегим Абулхайрхондан икки ўғил тугади, катта-

сига Кўчкунчихон, кичигига эса Суюнчхон деб ном берадилар. Мазкур хонзодалар вақти келиб сиёsat майдонида от сурадилар.

Улугбек Мирзо ҳаётда беш ўғил кўрган. Тўнгич ўғли Ибодулло Мирзо бўлиб, 1412 йилда туғилиб, 1417 йилда беш ёшида вафот этган. Иккинчи ўғли Абдулло Мирзо эса 1420 йилда туғилиб, 1433 йилда 14 ёшида вафот этган. Учинчиси Абдураҳмон Мирзо 1421 йилда туғилиб, 1432 йилда 12 ёшида Самарқандда вафот этган. Тўртинчи ўғли Абдуллатиф Мирзо тахминан 1428 йилда туғилган. Бешинчи ўғли Абдулазиз Мирзо эса тахминларга кўра 1430 йилда туғилган. Лекин мазкур беш нафар шаҳзодаларниг қайси бири қайси онадан туғилганилиги ҳақида ҳозиргача бирор аниқ маълумот учрамайди.

Абдуллатиф Мирзо Улугбек Мирзонинг тўртинчи ўғли бўлиб, Хиротда бувиси Гавҳаршод бегим тарбиясида ўсган. У саройдаги бошиша шаҳзодалар каби чет элдан келган элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳам иштирок қиласарди. 1441 йилда Абдуллатиф Мирзо билан унинг мураббияси Гавҳаршод бегим ораларида гап қочиб, ёш шаҳзода аразлаб Самарқандга, отаси Улугбек Мирзо ҳузурига кетиб қолади. Аразининг бош омили ўзининг ўта жиззакилиги эди. Саройда тарбиялананаётган шаҳзодалар орасида ёш жиҳатдан Абдуллатифдан катта бўлган амакиваччаси — Алоуддавла Мирзо (Бойсунғур Мирzonинг ўғли) ҳам бор эди. Алоуддавла Мирзога ҳам Гавҳаршод бегим мураббиялик қиласарди ва кези келгандан бошқа шаҳзодалардан катта бўлгани учун унинг қилган иши ёки сўзлаган сўзини маъқуллаб, кичик ёшли шаҳзодаларни ундан ибрат олишга даъват қиласарди. Ўжар ва худбин Абдуллатиф Мирзога бундай панду насиҳатлар ёқмасди. У бувиси Гавҳаршод бегимнинг Алоуддавла ҳақидаги мақтovлариши эшитаркан, қалбida пайдо бўлган ҳасад ўтига чидай олмасди. Ниҳоят Абдуллатиф аразлаб, Самарқандга кетиб қолади. Лекин 1442 йилда Гавҳаршод бегим Абдуллатиф Мирзопи Хиротга қайтариш учун ўзи Самарқандга боради ва уни кўндириб, олиб келади.

Абдуллатиф Мирзо ёшлигидан истеъодди, қатъиятли лекин шуҳратнараст эди. У отаси Улугбек Мирзо каби илм-фанинг қадрига етар ва олимлар билан суҳбатлашишни яхши кўради. У отасига қараганда ўта гайратли ва қатъиятли бўлиб, ҳар қандай қаттиққўлликни ишлатиб бўлса-да, ўз мақсадини рўёбга чиқараарди. Бинобарин, унинг кескин хатти-ҳаракати душманлар кўнглига ваҳима соларди. Абдуллатиф Мирзо фалакиёт илмига ниҳоят-

да қизиқар ва бу соҳада илми комил эди. Шунингдек, шеъриятга ҳам ҳавас қўйган, шеърлар битиб турарди. Бироқ, дунёвий плмларга қанчалик қизиқмасин, диний ақидалардан, аҳкоми шариатдан юз ўғирмае, дин пешволарига, дарвешларга эҳтиром кўрсатар ва уларнинг анжуманларида иштирок этиб, сұхбатлари, панду насиҳатларини жон қулоги билан тингларди.

## МИРЗО АБДУЛЛАТИФ

1447 йил 14 марта Шоҳрух Мирзо Исфаҳондан Ҳиротга келаётib, сафар асносида вафот этади. Шундан сўнг Шоҳрух Мирзо ҳаётлигига вилоятларга тайинланган шаҳзодалар, ўзларини мустақилдек ҳис қилиб, тоҷ-таҳт учун кураш бошлиб юборадилар. Фарбий Эрон ва Форсда Муҳаммад Султон Мирзо (Бойсунгур Мирзонинг кичик ўғли). Журжон ва Астрабодда — Абулқосим Бобур Мирзо, Ҳиротда эса Алоуддавла Мирзо (Бойсунгур Мирzonинг катта ўғли) ўзларини ҳукмдор деб эълон қиласидилар.

Шоҳрух Мирзо вафот қилган чогида, унинг Улугбек Мирзодан бошица барча ўтиллари ҳаётдан кўз юмган эдилар. Бинобарин, Улугбек Мирzonинг ота тахтига даъвогар бўлиб майдонга чиқини табиий бир ҳол эди. Шунингдек, бу вақтда Мовароуниаҳр ва Хурросонда фаолият кўрсатаётган Темурий шаҳзодаларнинг ёни улуги, куч ва қудратни, тадбиркори ҳам Улугбек Мирзо эди. Дарҳақиқат Улугбек Мирзо ота тахтига ворис сифатида майдонга чиқади. Улугбек Мирzonинг ўйлагани режалари бор эди, албатта. Аввало, отаси Шоҳрух Мирzonинг вафотидан сўнг Хурросон музофотида юз берәётган бош-бошдоқликларни тутатиб, Хурросон вилоятларида барча шаҳзодаларни ягона ҳокимиятга бўйсундириш, иккинчидан, ўғли Абдулатиф Мирzonи Ҳирот тахтига ўтказиш ва, ниҳоят, учинчидан, Мовароуниаҳр билан Хурросон мулкининг тизгинини ўз қўлига олиб, салтанатни марказлаштириш эди. Аммо, бу улуғ масалани ҳал қилиши осон кечмас эди. Чунки вилоятларда ҳукмрон бўлиб турган шаҳзодалар бир-бирлари билан ёвлашиб, тоҷу тахт учун курашардилар. Ана шундай вазиятда Улугбек Мирзо Хурросон тахтини қўлга киритиш учун тараддуд бошлиди.

Улугбек Мирзо Хурросон хусусида турли-туман режалар тузаркан, Хурросонга кўнин тортишдан аввал Балх ҳукмдори — жияни Абубакр Мирzonи бир ёқлик қилишни зарур деб топади. Лекин у Балхга ҳужум қилса кўп талофот кўриши муқаррар эди. Чунки Улугбек Мирзо йўл-

лаган махфий жосусларининг берган маълумотига қараганда, Балх қўргони метишдек мустаҳкам, муҳофазада турган қўшининг ҳисоби йўқдек эди. Бинобарин, Улугбек Мирзонинг фикрича, агар Абубакр Мирзо билан жанг қилса, у ҳолда Хурросонга қўшин киритиш анча кейинга сурилиб кетарди. Шу боис ёш шаҳзодани ҳйла билан ўзига ром қилишни афзал деб билади.

Абубакр Мирзо Муҳаммад Жўкий Мирзонинг (Муҳаммад Жўкий Мирзо Улугбек Мирзонинг бир ота-онадан туғишган кичик укаси эди) кенжага ўғли бўлиб, 1427 йилда Хиротда туғилган эди. Абубакр Мирзо акаси Муҳаммад Қосим Мирзога нисбатан шижаатли, шунингдек, хушбичим, кўркам, хушсират йигит эди. Отаси Муҳаммад Жўкий Мирзо вафотидан (1445) сўнг бобоси Шоҳруҳ Мирзо тарафидан унга Хутталон, Арҳанг ва Соли Сарой вилоятлари суюргол қилиб берилган эди. Бобоси Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг, Абубакр Мирзо катта қўшин тўплаб, акаси Муҳаммад Қосим Мирзога қарши жанг қилиб, унга қарашли Балх, Шибирғон, Іқундуз ва Бақлон вилоятларини, то Бадахшон чегарасигача, ўз тасарруғига киритган эди.

Абубакр Мирзо Балхни қўлга киритгач, дарҳол қўргонни қайтадан таъмирлаб, мустаҳкам қалъага айлантирган эди. Унинг ҳарбий қудрати кундан-кунга ортиб борарди. Айни вақтда Хурросон тахти учун Алоуддавла Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо ва Абулқосим Бобур Мирзолар (мазкур уч шаҳзода Улугбек Мирзонинг укаси Бойсунгур Мирзонинг ўғиллари эди) орасида қонли курашлар давом өтмоқда эди.

Улугбек Мирзо ўз режасини амалга ошириш учун Балхга Абубакр Мирзо ҳузурига эътимоли кишилардан шайхулислом мавлоно Исомиддин ва амир Таваккал барлосни қимматбаҳо совга-саломлар билан әлчи қилиб жўнатади. Шайхулислом мавлоно Исомиддин ёш шаҳзода Абубакр Мирзога амакиси Улугбек Мирзонинг беқиёс муҳаббатию, беадад ихлоси ҳақида ҳаддан ташқари му болагалар қилгач, сўзининг охирида «ул зоти олий бобаротнинг Сиз олий најход шаҳзодайи навжувонга ихлослари багоят баланддур. Бовужуд Сизни ўз фарзанди аржуманларилик билиб, кўп соғунгандурлар. Боз устига Сиздек шаҳзодайи жувонбахтни ўзлариға куёв қилмоқ тараддуудида бўлиб, пардайи исматда ўлтургон Билқиси даврон Робия Султон бегимни Сиз жанобларининг аҳди никоҳингизга киритмак фикридадурлар. Бинобарин, ул зоти олий бобаракот амакингизни зиёратларига биз би-

лан бирга борсангиз савобдуп холи бўлмас эрди», — дейди. Соддадил ва гур шаҳзода Абубакр Мирзониг кўз ўнгидаги ёшлигида кўрган лобар ва дуркун Робия Султон бегимнинг гўзал чеҳраси намоён бўлади. Гуё Робия Султон бегим уни ўз ҳузурига таклиф қилаётгандай эди.

Шаҳзода Абубакр Мирзо эртаси ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ўз ўрнига Оталиқни тайинлаб, элчилар билан бирга амакиси Улугбек Мирзо ҳузурига жўнайди. Бу пайтда Улугбек Мирзо ўз қўшини билан Термизда туради. Ҳукмдор жияни Абубакр Мирзони очиқ кўнгил билан қаршилайди ва унинг шарафига бир неча куни зиёфат беради. Бироқ, бир ҳафта ўтмасданоқ бир-иккита галамислар қариндошлар орасига ниғоқ солинига мувваф-фақ бўладилар. Абубакр Мирзони исёнкор қаттол душманликда айблайдилар. Улугбек Мирзо ҳам жиноятни муфассал текширмасдан, Абубакр Мирзони ҳибсга олинига фармон беради. Шаҳзодани дарҳол тутиб Самарқандга жўнатадилар ва у ерда Кўксаройга қамайдилар. Орадан уч-тўрт куни ўтгач, Абубакр Мирзони Кўксаройда қатл қиласдилар. Шу тариқа Абубакр Мирзо 21 ёнида оламдан ўтади.

Абубакр Мирзо қатл қилиниб, Балх масаласи ҳал этилгач, 1448 йил баҳорида Улугбек Мирзо 90 минглик қўшин билан жияни Алоуддавла Мирзога қарши ҳужумга ўтади. Аллоуддавла жангда енгилиб, Машҳадга, сўнгра укаси Абулқосим Бобур Мирзо олдига — Іўчанга қочади. Улугбек Мирзо Абдуллатиф Мирзо билан Ҳиротга тантанали равишда кириб борадилар. Гарчи Улугбек Мирзо Ҳурносон таҳтини жанг билан қўлга киритган бўлса-да, бу галаба унга шуҳрат келтирмайди. Аксинча, Ҳурносон жангига Улугбек Мирзо билан Абдуллатиф Мирзо ўртасида низо тугилишига олиб келади. Чуноичи, Ҳиротдан 14 фарсах нарида бўлган Тарноб жангидаги қўшиницинг чап қаноти Абдуллатиф Мирзога, ўнг қаноти эса номигагина Абдулазиз Мирзога тоинирилган эди. Зотац, жангнинг галаба билан тугалланишида Абдуллатиф Мирзо жасорат кўрсатиб, жонбозлик қиласган эди. Бироқ жангдан сўнг Улугбек Мирзо барча вилоятларга йўллаган ёрлигига галаба шаънини суюкли ўгли Абдулазиз Мирзономига ёздиради. Боз устига иойтаҳт Ҳирот қўлга олингат, ўгли Абдуллатиф Мирзони Ихтиёриддин қалъасига кирийтмайди. Ҳолбуки, Шоҳруҳ Мирзо ҳаётлик чогида Ихтиёриддин қалъасини Абдуллатиф Мирзога инъом қиласган эди. Бинобарин, 1446 йил Абдуллатиф Мирзо бобоси Шоҳруҳ Мирзо билан Исфаҳон юришига тараддуудланар-

кан, ўзига тегишли бир неча минг мисқол олтиň, кумуш буюмлар ва 200 туман нулуни Ихтиёриддин қалъасында беркитиб кетган әди. Улугбек Мирзонинг Абдуллатиф Мирзога нисбатан ноҳақлиги ўғил қалбида ўчмас дөг бўлиб қолади.

Бу вақтда кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайрхон Улугбек Мирзонинг Хуросонга кетганилигидан фойдаланиб, Мовароуниаҳрга босқин ясад, кўигина қишилок ва шаҳарларни талайди ва Самарқандгача етиб келади. Бу хабарни эшитган Улугбек Мирзо Ҳиротни Абдуллатиф Мирзога тоншириб, ўзи ҳар нечук бўлса-да, Самарқандни сақлаб қолиш учун шошилини йўлга тушади. У ўзи билан бирга Шоҳруҳ Мирzonинг хоки солингдан тобутни ҳамда Шоҳруҳ Мирzonинг Гавҳаршод бегим мадрасасига беркитиб қўйгани бир бўлак хазинасини олиб Амударё — Қалиф кечуви томон йўл олади. Шу пайтда Абулқосим Бобур Мирзо Сарахсда әди. У амакиси Улугбек ортидан амир Ҳиндукани катта қўшини билан жўнатади. Амир Ҳиндукя ярим кечада Улугбек Мирзо қароргоҳига ҳужум қиласди. Бу босқинда Улугбек Мирзо кўп кишисидан ва бойлигидан ажрайди. Эртаси тонгда Улугбек Мирзо Қалиф кечувидан ўтаётганда кўчманчи ўзбеклар ҳужумига учрайди. Ниҳоят, қолган қўшини билан қишини Бухорода ўтказади. Шоҳруҳ Мирzonинг хоки солингдан тобутни эса синглиси Поянда Султон бегим билан бирга Самарқандга жўнатади, жасад Гури Амир мақбарасига дафи этилади.

Улугбек Мирзо Амударёдан кечиб ўтгач, Абулқосим Бобур Мирзо Сарахсдан Ҳиротга — Абдуллатиф Мирзога қарши катта қўшини жўнатади. Абдуллатиф Мирзо жангга бардош беролмай, Ҳиротни ташлаб чиқади ва Балх томон кетади. Балх ҳокимлиги бир неча майда вилоятлардан иборат бўлиб, Абдуллатиф Мирzonинг улуши ҳисобланарди. Мирхондининг ёзишича, 1449 йил баҳорида Абдуллатиф Мирзо қўй остидаги шаҳзодалардан бири исён кўтаради. Исён бостирилиб, шаҳзода қатл қилинади. Абдуллатиф Мирзо мақтулиниг чўнтагидан мактуб топиб олади. Мактуб Улугбек Мирзо қўли билан ёзилган бўлиб, унда гўё шаҳзодани Абдуллатиф Мирзога қарши исён кўтаришга даъват қилинган экан. Табиийки, шундан сунг Абдуллатиф Мирзо ўз отасига бутунлай ишопчини йўқотади ва душманлик йўлига киради. Абдураззоқ Самарқандийининг ёзишича, гўё Улугбек Мирзо билан Абдуллатиф Мирзо ўрталарида азалдан бир-бирларига ишончсизлик мавжуд бўлган. Зоро, ҳар икковлари ҳам фалакиёт илмига моҳир бўлиб, илми нужумга доир му-

шажхимлик жадвали юзасидан қуръа ташлаб, ўз шахсий тақдирларида қандай қисмат содир бўлажагини аниқлаб билгаилар. (Дарҳакиқат, ўрта асрларда одам туғилган пайтида, сийёраларнинг қандай турганини кўрсатувчи ҳамда туғилган инсоннинг келажак тақдирини айтиб берувчи жадвал асосида қуръа-фол ташлаганлар.) Қуръанинг далолатига кўра, ота-боланинг тақдирларида содир бўлажак фожиали қисматлар ўзгалардан эмас, айшан бир-бирларидан вужудга келишини билгаилар ва шунга ишонгантар, деган мунозарали маълумотлар ҳам учрайди. Амалда эса 1448 йилгача Абдуллатиф Мирзонинг хатти-ҳаракатларида отаси Улугбек Мирзога қарши бадгу-монлик аломатлари сезилмайди.

Бироқ, 1448 йилги Тарноб жаңигидаи сўнг, отаси томонидан ўзининг камситилиши, Абдуллатиф Мирзо қалбидан аламли из қолдиригац, кўнглида отаси Улугбек Мирзога ва укаси Абдулазиз Мирзога қарни душманлик урути униб чиқа бошлигар эди. Буидан ташқари, Шоҳруҳ Мирзо вафот этгач, Улугбек Мирzonинг яширини ва ошкора душманлари бош кўтариб қолгандилар. Чунки эндиликда Улугбек Мирзони ҳар томондан муҳофаза қилувчи забардаст отаси Шоҳруҳ Мирзо йўқ эди. Шунингдек, Улугбек Мирzonинг барҳаёт қарнидошлари, яъни укаларининг фарзандлари эса аввалгилик ягона империя бошида боболари Шоҳруҳ Мирзо ўринда амакилари Улугбек Мирзони ҳукмрон бўлинини ҳамда унинг қўл остида яшашни истамас әдилар. Айни вақтда аркон давлат, бек ва амирлар ҳамда ҳарбий саркардалар орасида ҳам Улугбек Мирзога қарши яширини хусуматда бўлган кишилар кўпайган, улар ота билан ўғли орасига низо солиш мақсадида турли-туман фисқу фасодларни қўзгаб, ҳар икки томонни бир-бираига гиж-гижлатардилар. Ана шундай ғаламисларнинг таъсири ўлароқ Абдуллатиф Мирзо ўз отасига қарши жанг тараддудини кўра бошлиайди. У амакиваччаси Абулқосим Бобур Мирзо билан ҳарбий иттифоқ тузиб, 1449 йил баҳорида Улугбек Мирзога қарши жанг ҳаракатларини боилаб юборади. Бу вақтда Улугбек Мирзо ўғли Абдуллатиф Мирzonинг мудҳишиб ҳаракатларидан бехабар, Хурсонин қайтадан забт этини учун уруш тараддудини кўраётган эди. Бироқ, тақдир тақозоси билан ўз ўғли Абдуллатиф Мирзо билан жанг қилишга мажбур бўлади.

Улугбек Мирзо пойтахт Самарқандга кичик ўғли Абдулазиз Мирзони ҳоким белгилаб, жияни ҳамда куёви бўлмиш Абдулло Мирзони (марҳум Иброҳим Султон

Мирзонинг ўгли) ўзи билан бирга олиб, Амударё соҳи-лида турган Абдуллатиф Мирзога қарши қўшин тортади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Амударё қирго-тида ота-боланинг қўшинлари уч ой мобайнида бир-бирларига қарама-қарши турганлар. Ҳар икки томони қўши-нидан кичик-кичик гуруҳлар дарёни кечиб ўтиб, тўқна-шиб турганлар. Аммо, бу ҳарбларда зафар шабадаси кўпроқ Абдуллатиф томонига эсган. Шундай тўқнашувлардан бирида Абдулло Мирзони асирга оладилар. Айни вақтда Улугбек Мирзо қўшини орасида исён кўтарилиш хавфи вужудга келади. Бунга асосий сабабчи Улугбек Мирзо-нинг кичик ўгли эркатой Абдулазиз Мирзонинг ҳатти-ҳаракати эди.

Ҳали айтилганидек Улугбек Мирзо Абдуллатифга қар-ши жангга отланаркан, Абдулазиз Мирзони ўз ўрнига қўйиб кетган эди. Абдулазиз Мирзо ота таҳтига ўтириши билан бей боларча ҳаракат қиласабошлийди. У Самарқанд шаҳридаги казо-казолар, жумладан, отаси билан бирга жангга кетган бек ва амирларнинг гўзал қиз-жувонлари, чиройли канизакларини мажбурац саройга келтириб, айш-ишратга машғул бўлади. Албатта, бундай камситиш ва шармандаликка қарши шаҳар зодагонлари ва жанг-гоҳда турган бек ва амирларнинг қони қайнаб, ҳукмдор Улугбек Мирзодан норози бўлишлари табиий эди. Гарчи Улугбек Мирзонинг қўллаган оқилона чора-тадбирлари натижасида хавф соластган исён тинчлик билан бартараф қилинган бўлса-да, бироқ мамлакат акобирларининг қўнг-лида туғилган кина-кудурат, салтанат пойдеворига раҳна солади. Жанггоҳда турган амирлар ва беклар ўртасида норозилик шу даражага етадики, ҳатто Улугбек Мирзони тутиб, Абдуллатиф Мирзо қўлига топшириш хавфи ҳам йўқ эмасди. Улугбек Мирзо дарҳол амир ва бекларга мурожаат этиб, уларни тинчишишга ҳаракат қиласиди ўгли Абдулазиз Мирзога панд-насиҳат қиласиди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, айни шундай қалтис вазиятда туркманларнинг Аргуни қабиласи 25 ёшли Абусайд Мирзони ўзларига бошлиқ кўтариб, Самарқандни қамал қилгани ҳақида хабар келади. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзига қараганда, мазкур қабила Улугбек билан ҳарбий юришда бирга булиб, Амударё соҳилига келгач, лашкаргоҳдан ажralиб чиқиб бориб Самарқандни муҳосара қилган. Улугбек Мирзога эса Самарқанд муҳосараси бошлиягач, хунук хабар етиб келади. Ўз-ўзидан маълумки, Улугбек Мирзо пойтахт Самарқанд тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўёлмас эди. Бинобарин, дарҳол

қўшини Самарқанд томон буриб, Абусайид Мирзони дафъ этади. Самарқандда осойишталик ўрнатади ҳамда Мироншоҳ қавчинни шаҳарга бошлиқ (ҳоким) этиб тайинлаб, Абдулазиз Мирзони ўзи билан бирга олиб, яна Амударё соҳилига қайтади.

Бироқ, бу пайтда Абдуллатиф Мирзо қўшинлари Амударёдан кечиб ўтиб, Термиз ва Шаҳрисабзни зabit қилган эди. Ниҳоят, ота-бала ўртасида 1449 йил кузида Самарқанд яқинидаги Дамашқ қишлоғи ёнида жанг содир бўлади. Урушда Улугбек Мирзо маглубиятга учраб, Самарқандга қайтади. Аммо, шаҳар ҳокими Мироншоҳ қавчин Улугбекни шаҳарга киритмайди. Ноилож қолган ҳукмдор Шоҳрухияга келади. Бироқ, Шоҳрухия ҳокими Иброҳим иби Пўлод Улугбек Мирзодан юз ўгиради. Уни шаҳарга киритиш ўрнига қўлга тушириб, Абдуллатиф Мирзога тошириш тараддудига тушади.

«Тарихи Абулхайрохоний» асарининг муаллифи Мальсуд иби Усмон ал-Кўҳистонийнинг ёзишича, Улугбек Мирзо Шоҳрухиядан ноумид қайтгач, кўчманчи ўзбеклар ҳукмдори Абулхайрхон ҳузурига бориб, ундан ёрдам сўрашга жазм қиласа-да, аммо тезда бу фикридан қайтади. «Эгилган бошни қилич кесмас» қабилида иш тутиб, ўз хоҳишича, ҳокимиятни Абдуллатиф Мирзога тошириб, умрининг қолган қисмини илму фанга сарфлаш фикрига тушади. У ана шу ээгу ният билан ўгли Абдуллатиф Мирзога таслим бўлади. Абдуллатиф Мирзо эса отаси Улугбек Мирзони Каъбатулло зиёратига жўнатиш ҳақида фармон беради.

Улугбек Мирзонинг фожиали ўлими тафсилоти ҳақида тарихчи Мирхонд шундай ҳикоя қиласи: «Қаъбатуллони бир неча марта зиёрат қилган ҳожи Муҳаммад Ҳусравшинг раҳнамолигида Улугбек Мирзо кечқурун Самарқанддан отлиқ йўлга чиқкан. Унинг вақти чоқ, турли манзуларда сўзланишиб борарди. Кўп ўтмай, орқадан бир чопар етиб келиб (Сулдуз уругидан), собиқ ҳукмдорни Каъбатуллога кузатиш маросимини шоҳона тарзда ўтказиши лозимлиги ва бунга тайёргарлик тутгаллангунга қадар, қўшини қишлоқда дам олишлари ҳақида фармони олийни эшиттиради. Мазкур фармондан довдираб қолган Улугбек Мирзо, қўшини қишлоқдаги уйлардан бирига кириб тунашга мажбур бўлади. Ҳаво анча совуқ эди. Улугбек Мирзо олов ёқиб, гўшт ниширишга амр қиласи. Олов ёқилади, гулхан ёнида чордана қуриб, исиниб ўтирган Улугбек Мирzonинг тиззасига учқун сачраб, чакмонини куйдиради. Шунда у оловга қараб, ўзбек тилида: «се

ҳам билдинг», — дейди-ю, унинг кайфияти бузилади, ҳо-жи эса Улугбекка тасалли беришга беҳуда уринади. Шу аснода уй әшиги зарб билан очилиб, хонага Аббос исмли шахс ўз навқари билан кириб келади. Улугбек Мирзо Аббосни кўрган ҳамони, ўридан туриб, унга ташланади ва қўксига мунит туширади. Навкар Улугбекни ушлаб, унинг елкасидан «олтой пўстини»ни ечиб олади. Аббос арғамчи келтириш учун ташқарига чиқади. Улугбек Мирзо ўлими олдидан сўнгги таҳоратни қилиб олиши учун Ҳожи дарҳол әшикни ичидан зајжирлаб олади. Сўнгра Аббос кириб, собиқ ҳукмдорнинг қўлларини bogлаб, ташқарига олиб чиқади. Ариқ бўйига чўккалатиб, фонус ёргугида қилининг бир зарби билан бошини танидан жудо қиласди. Тарихчи Мирхондинг ёзишича, бу фожиали ҳало-кат ҳижрий 853 йил 8 рамазон (1449 йил 25 октябр) куни содир бўлади. Аммо Улугбек Мирзонинг қабр тошига ёзилган лавҳада «853 йил 10 рамазон» деб битилган.

Шундай қилиб улуг олим, давлат арбоби, маъ-рифатпарвар инсон Улугбек Мирзо ўзида шаҳид бў-лади. Уни қатл қилинган вақти ҳақида тарих ёзилиб, арабий абжад ҳисоби билан тарих моддаси «Аббос кушт» (Аббос ўлдирди) жумласидан иборат бўлиб, ҳижрий 853 йил 8 рамазон мелодий 1449 йил 25 октябрни англатади.

Абдураззоқ Самарқандий Улугбек Мирзонинг ўлими-га доир ривоятлардан бирини қўйидагича тасвирлайди: «Хуросоннинг Улуғбек Мирзо томонидан (1448 йил) забт қилиниши Хуросон шаҳзодаларига ёқмаганидек, ма-ҳаллий дин пешволарига ҳам маъқул эмас эди. 1448 йил Тарноб жанг арафасида Алоуддавла Мирзо Ҳиротли шайхулислом Баҳовуддинни ўз амакаси Улуғбек Мирзо билан музокара юритиш учун воситачи қилиб тайинлагав эди. Бироқ, шайхулислом Тарноб уруши бошлангунга қадар Улугбек Мирзо билан учрашишга улгуролмай, бу орада жанг бошланиб кетади. Улугбек Мирзонинг қўши-ни шайхулисломни ҳам назар-нисанд қўймай кўп қато-ри унинг ҳам мол-мулкини талаб кетадилар. Тарноб жан-гидан сўнг шайхулислом билан Улугбек Мирзонинг уч-рашувлари Чилдухтарон мавзеида воқеъ бўлган бўлса-да, аммо шайхулисломнинг кўнгли Улугбек Мирзодан озур-да бўлиб, қаттиқ раңжиган эди. Гарчи бўлиб ўтган во-кеадан воқиф бўлган Улугбек Мирзо шайхулисломнинг барча мол-мулкини қайтариб беришга фармон қилған бўлса-да, шайхулисломни кўнгли ёришмайди. Кейинчалик гуё шайхулислом ўз яқин кишилари даврасида, Улугбек Мирzonинг шаккоклиги ҳақида ганириб, «Улуг-

бек Мирзо ўз ўглиниң ҳоҳиши ва иродасига кўра, шариат қозисининг шаръий ҳукм билан ўлдирилади», — деб башорат қилган экан.

Абдуллатиф Мирзо отасининг қатлидан икки кун утгач, укаси Абдулазиз Мирзони ҳам ўлдириради.

Абдуллатиф Мирзо даврида мамлакат салоҳияти қўшин ва оддий меҳнаткаш халқнинг аҳволи ниҳоят даражада оғирлашади. У ҳар қандай исён ва итоатсизликни шафқатсизлик билан бостиради. Абдураззоқ Самарқандийнинг ибораси билан айтганда, «у каттага ҳурмат, кичикка шафқат» деган тушунчани таш олмасди. Унинг сиёсатидан норози бўлган кишилар овоз чиқаришга ҳам журъат қиломасдилар. Ана шундай қаттиқ қўллик натижаси ўлароқ, гўё Мовароунаҳр ҳудудида осойишталик ҳукмрондек эди. Аммо норозилик зимдан давом этарди. Бинобарни, Абдуллатиф Мирзога қарши суиқасд ҳозирланмоқда эди. Суиқасдин уюштирувчилар Улугбек Мирзо билан Абдулазиз Мирzonинг содиқ шавкарлари ва яқин кишилари эди.

Абдуллатиф Мирзога қарши тайёрланаётган суиқасдан унинг яқин кишиларидан айримлари хабардор бўлсаларда, ҳукмдорнинг газабидан қўрқиб, айтишга журъат қилмаганлар ёки умуман огоҳ этишни истамаганлар. Абдуллатиф Мирzonинг яқин кишиларидан бири, кейинчалик тарихчи Абдураззоқ Самарқандийга, суиқасдан хабардор бўлгани, бироқ ҳукмдорнинг газабидан қўрқиб оҳоглантиргани ҳақида сўзлаган.

Маъсуд бин Усмон ал-Кўҳистонийнинг ҳикоя қилишибча, Абдуллатиф Мирзо шаҳар четининг шимолий қисмида жойлашган «Боги майдон»да, тарихчи Мирхөнднинг ёзишибча, «Боги чинор»да айш-ишратга машғул бўлиб, кайфи ошиб ухлаб қолган. Шу кеча у туш қўради, — деб ҳикоясини давом эттиради Маъсуд бин Усмон ал-Кўҳистоний. Тушида унинг олдига номаълум бир киши кириб келиб, қўлидаги усти ҳарир рўмол билан ёпилган лагани унинг олдига қўяди. Абдуллатиф Мирзо оҳиста қўл чўзиб, лаган устидаги рўмолни кўтарганда, ўзининг кесилган бошини қўради ва даҳшатдан қаттиқ қичқириб, ўғониб кетади. У мазкур қўрқинчли туши таъбирини Низомий Ганжавийпинг «Хамса»сидан топмоқ истагида жовондан мазкур китобни олиб, тўғри келган варағини очиб ўқиёдиди. Унда қуйидаги форсий байт ёзилган экан:

«Падаркуш иодинпоҳиро нашояд,  
Ва гар шояд ба шаш моҳи нашояд.

Яъни «Отасини ўлдирган иодиоҳликка нолойиқдир, агар лойиқ бўлганда ҳам (иодиоҳлиги) олти ойдан ошмайдур».

Абдуллатиф Мирзо кўрган тушидан боз устига унинг таъбиридан даҳшатга тушиб, бу бехосият бօғдан тезроқ жўнаб кетишга қарор қиласди.

Абдуллатиф Мирзо субҳидамда «Боги майдон»дан чиқиб, отга миниб шаҳар томони кетаётганида, йўл устида содир бўлган воқеалар «Тарихи Абулхайроний» номли асарда қуйидагича тасвирлацади: «Жангу жадалларда Рустами достон ва Исфандиёрдек бўлгон ва Абдулазиз Мирзо тарафидан мартабаси юқорилатдирилган Бобо Ҳусайн баҳодир икки номдор шодиоҳ: Улугбек Курагон бирлан Мирзо Абдулазиз шаҳид этилгонларидан сўнгра қасд қилиб бадкирдор Абдуллатиф Мирзонинг хизматига кирдилар ва кеча демайин, кундуз демайин анга тиришиб хизмат қилди аммо қалбида анга кина сақлаб, ул бадкирдорни маҳв этиши хаёли бирлан юрди. Бобо Ҳусайн баҳодир ўша куни камонин елкага осуб, жонин шу ишга тикиди. Содиқ навкари бирлан Абдуллатифнинг йўлини пойлади. Шаҳзоданинг навкари Чорраҳа дарвозасидан ташқарига чиқди ва тор кўча бўйлаб йўлга тушди. Кўчанинг бир тарафи жарлик бўлиб, иккичи тарафи Боги павнинг баланд девори эди. Бобо Ҳусайн баҳодир ва аниг навқари от устида йўл четидаги катта қайрогоч орқасида пойлаб турдилар. Абдуллатиф аларининг ёнгинасидан ўтиб кетди, лекин беш-олти қадам ўтгач, Бобо Ҳусайн баҳодир камонин елкасидан олди ва ани ўқлаб, шаҳзодани ани юнишонга олди. Абдуллатиф фақат «Оллоҳ, ўқ тегди», деб айтишга улгурди, холос. У отдан қулаб тушди ва шу топдаёқ жон берди. Ўқ аниг чап курагини тешиб ўтиб, юрагига қадалғон эркан. Мирзонинг мулоэмлари олдин-орқасига қарамайин тум-тарақай бўлиб қочдилар. Бобо Ҳусайн баҳодирнинг навкари чопиб бориб Абдуллатифнинг бошини кесиб олди ва ҳуржунга солди. Надаркуш Абдуллатифнинг бошини шу пайтанинг ўзидаёқ Регистонга олуб боруб, Мирзо Улугбек мадрасасининг пештоқига осуб қўйдилар». Бу воқеа ҳижрий 854 йил рабби ул-аввал ойининг 26-сида мелодий 1450 йил 9 май куни содир бўлганди.

## МИРЗО АБДУЛЛО

Абдуллатиф Мирзонинг фожиали ҳалокатидан сўнг аркон давлат кенгашиб, Абдулло Мирзони Кўксарой қамогидан олиб чиқиб, салтанат таҳтига ўтқазадилар ва подшоҳ деб эълон қиласидилар. Аммо Абдулло Мирzonинг таҳтга ўтириш хабари теварак-атрофга тарқалгач, Самарқанд салтанатига даъвогарлар гимирлаб қоладилар. Жумладан Миронпоҳ авлодига мансуб бўлган Султон Абусайид Мирзо Бухоро дин пешволарининг мадади билан, дарҳол Самарқандга ҳужум қиласиди. Бироқ, Абдулло Мирзо қўшинлари томонидан маглубиятга учраб, дашт орқали шимолга қочади ва Ясси (Туркистон) шаҳарини босиб олиб, ўша ерда жойлашади.

1450—51 йил қишида Абдулло Мирзо Яссига ўз қўшинини юбориб, шаҳарни қамал қиласиди. Султон Абусайид Мирзо макр-ҳийла ўйлига ўтиб, бир неча айгоқчиларини Самарқандликлар орасига юборади. Улар қўшини орасида «Абулхайрхон Туркистонликларга ёрдамга келаётир», деб ган тарқатадилар. Самарқандликлар бу ганин рост фаҳмлаб, шаҳарни қамалдан бўшатиб, орқага чекинадилар. Бу хабар Абдулло Мирзога етгач, шахсан ўзи катта қўшинга бош бўлиб, Султон Абусайид Мирзога қарши йўлга чиқади. Абдулло Мирzonинг катта қўшин билан келаётганини эшитган Султон Абусайид Мирзо ёрдам сураб, кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайрхонга элчи юборади. Абулхайрхон фурсатдан фойдаланиб, Самарқандни яна қайтадан талаш ниятида ўз қўшини билан йўлга чиқади. Абулхайрхон Султон Абусайид Мирзо қўшини билан бирлашиб Тошкентга, у сурдан Хўжандга келади. Бу вақтда Абдулло Мирzonинг қўшини эндигина Сирдарёдан утган эди. Иттифоқчилар қўшини Мирзачўл орқали юриб, Булунгурда Абдулло Мирзо қўшишига рўниара келадилар. 1451 йил шон ойида Булунгур даштининг жанубидаги Шероз қишилоги яқинида ҳар икки қўшин ўртасида қонли жаңг бўлади. Натижада Абулхайрхон қўшини Абдулло Мирzonинг қўшини устидан галаба қозонади. Абдулло Мирзо мардона курашиб, жаңг майдонидан орқага қайтаётгандан ўқ тегиб 19 ёшида ҳалок бўлади. Султон Абусайид Мирзо эса ҳеч қандай қаршиликка учрамай Самарқандга кириб таҳтга ўтиради.

## МУҲАММАД ЖЎКИЙ

Абдуллатиф Мирзодан беш ўғил қолган эди. «Тарихи касира»да зикр қилинишича, биринчи ўғли Абдураззоқ Мирзо, иккичиси — Аҳмад Мирзо, учинчиси Маҳмуд Мирзо, тўртинчиси Муҳаммад Жўкий Мирзо ва бешинчиси Муҳаммад Боқи Мирзо эди. Мазкур шаҳзодаларнинг оналари ҳақида маълумот учрамайди. Абдуллатиф Мирзо қатлидан сўнг, унинг фарзаандларипи Ҳиротга — Гавҳаршод begim ҳузурига жўнатган эдилар. Шаҳзодалар аввал бувилари Гавҳаршод begim тарбиясида бўлиб, кейинчалик Ҳирот ҳукмдори Абулқосим Бобур Мирзо саройида мулозаматда эдилар.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот этгач, Султон Абусайид Мирзо Хуросон таҳтини ҳам ўз тасарруғига киритади. Бу вақтда малика Гавҳаршод begim 80 ёнига яқинлашган эди. У Хуросон таҳтининг қўлдан кетишни истамасди, албатта. Бинобарин, чевараси Иброҳим Мирзони (Алоуддавла Мирзонинг ўғли) Султон Абусайид Мирзога қарши исён кўтарипга даъват қиласди. Султон Абусайид Мирзо бу фитнадан воқиф бўлгач, малика Гавҳаршод begimни чопиб таплашгига фармон беради. Малика 1457 йилда чопиб ўлдирилади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги хонақоҳга дафи қилинади. Табиийки, Шоҳруҳ Мирзо авлодига мансуб бўлгап шаҳзодалар Султон Абусайид Мирзога нисбатан адоват ва хусумат назари билан қарадилар. Бинобарин, Султон Абусайид Мирзо Шоҳруҳ авлодининг Мовароуннаҳр ва Хуросон таҳтига бўлган даъволаридан батамом халос бўлини мақсадида бир неча шаҳзодаларни, жумладан Абдуллатиф Мирзонинг 17 ёшли тўғиҷ ўғли Абдураззоқ Мирзони заҳарлатиб ўлдиртиради. Шундан сўнг Аҳмад Мирзо Балҳда қўзголоп кўтаради. Қўзголоп бостирилиб, 16 ёшли Аҳмад Мирзо қатл қилинади. Муҳаммад Боқи Мирзо эса 5 ёнида касал бўлиб вафот этади.

Абдуллатиф Мирзонинг учинчи ўғли Маҳмуд Мирзо эса укасп Муҳаммад Жўкий Мирзо билан биргаликда кўн йиллар давомида Султон Абусайид Мирзога қарши курашади. Ниҳоят 1463 йилда Маҳмуд Мирзо қўлга олишиб, қатл қилинади.

Абдуллатиф Мирзонинг тўртинчи ўғли Муҳаммад Жўкий Мирзо 1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзонинг фармонига мувоғиқ Шоҳруҳия, Ахсикент, Тошкент ва Сайрам вилоятларига ҳоким этиб тайинланган эди.

«Тарихи Абулхайрхоний» асарида ёзилишича, Хуро-

сон таҳтини Султон Абусайид Мирзо ўз тасарруғига киригтагач, Муҳаммад Жўкий Мирзо ҳам ўз мулкидан ажралди. У 1458 йилда Ясси (Туркистон)га Абулхайрхон ҳузурига қўмак истаб боради. Тарихдан маълумки, 1451 йилда Абулхайрхон Султон Абусайид Мирзонинг Самарқанд таҳтига ўтиришига ёрдамлашган ва эвазига Улуғбек Мирзонинг Робия Султон исмли қизиси ўз никоҳига киритиб, Туркистонга олиб кетган ёди. Шу боис Муҳаммад Жўкий Мирзо аммаси — Робия Султон бегимни восита қилиб Абулхайрхон ҳузурига боради.

Абулхайрхон шаҳзодани яхши кутиб олади. У ўзининг саркардаларидан Бўрка Султон бошчилигида катта қўшинни Муҳаммад Жўкий Мирзо ихтиёрига беради. Бўрка Султон қўшини Мовароуниаҳр ҳудудига шиддат билан бостириб кириб, Қармана ёнида Султон Абусайид Мирзо қўшинини мағлубиятга учратади. Шундан сўнг кўчмашчи ўзбеклар қўшини Шоҳрухияни әгаллайди. Муҳаммад Жўкий Мирзо ўзбеклар ёрдамида Шоҳрухия, Ахсикент ва Сайрамни қўлга киригади. Султон Абусайид Мирzonинг Муҳаммад Жўкий Мирзо билан сулҳ тузишдан ўзга иложи қолмайди.

1461 йилда Муҳаммад Жўкий Мирзо Султон Абусайид Мирзога қарши бош кўтаради. Қўзғонгла Шоҳрухиянинг барча аҳолиси қатнашади. Султон қўшини шаҳарни қамал қиласди. Аммо қамал кўнга чўзилиб, у қўзғончилар билан сулҳ тузишга мажбур бўлади.

Аммо кўп ўтмай 1462 йилда, Султон Абусайид Мирзо томонидан шаҳар япа қамал қилинади. Қамал бир йилдан ортиқ давом этади. Ниҳоят, 1463 йил кузида қўзғончиларнинг талабига мувоғиқ, Хўжа Аҳрорни воситачилик учун таклиф қиласдилар. Хўжа Аҳрор ҳар икки томонни муросага келтиради ҳамда таслим бўлажак қўзғончиларнинг барчасини гуноҳидан кечиб, уларга зарар етказмасликка Султон Абусайид Мирзони қасамёд қилдиради. Ана шундан сўнг Муҳаммад Жўкий Мирзо бошлиқ шаҳар халқи Султон Абусайдига таслим бўладилар. Султон Абусайид Мирзо ваъда қилган афви умумийни фақат қўзғон иштирокчиларигагина жорий қиласди. Қўзғон бошлиғи Муҳаммад Жўкий Мирзони эса 1464 йил яшварда ушлатиб, Ихтиёриддин қалъасининг зиндонига ташлатиради. Муҳаммад Жўкий Мирзо ўша йили зиндонда 16 ёшида вафот этади.

Шундай қилиб, Улугбек Мирзо зурриётига мансуб бўлган авлод, унинг ўлимидан 15 йил ўтгач, батамом туғайди.

**Турғун Файзиев**

**МИРЗО УЛУФБЕК АВЛОДЛАРИ**

*Тарихий бадиҳа*

Мусаввир Ю. Габзалилов.  
Муҳаррир А. Қутбиддинов.  
Расмлар муҳаррири А. Мамажонов,  
Төхн. муҳаррир У. Ким.

**ИБ № 207**

Босмахонага берилди 4.05.94. Босишига рухсат этилди 8.06.94. Ўлчами  
 $84 \times 108^{1/32}$ . Рӯзнома қогози. Шартли б. табоги 2,1. Шартли ранг-оттиск.  
2.52. Нашр табоги 2,15. Жами нусха 20000. Буюртма № 457. Шартнома  
9—94Б. Баҳоси шартнома асосида.

«Ёзувчи» нашриёти, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал  
фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.